

Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш —  
одамийликнинг энг олий мезонидир

# Bugungi O'ZBEKISTON

Ijtimoiy-iqtisodiy, axborot, huquqiy, madaniy-ma'rifiy gazeta

E-mail: bugungiuzbekistan@gmail.com

2025-yil 30-may, 10-son (60)

## ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



**Яқинда Урумчи шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазири Кўнғиротбой Шарипов ва Хитой Халқ Республикаси таълим вазири ўринбосари Ян Билан ўртасида учрашув бўлиб ўтди.**

Субҳат чоғида икки давлат ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорликни янада

чуқурлаштиришга қаратилган муҳим ташаббуслар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон томони Хитой талабалари учун бакалаврият, магистратура ва докторантура йўналишларида таълим олиш имкониятларини кенгайтиришга тайёр эканини маълум қилди. Мамлакатимиз олийгоҳлари халқаро талабларга мос ўқув дастурлари, замонавий инфратузилма ва турли тилларда таълим бериш имкониятлари билан етарлича жиҳозлангани қайд этилиб, масофавий ва гибрид шаклда ўқиш имкониятлари ҳам тақдир этилди.

Музокаралар давомида ўзбек дипломларининг Хитойда расмий тан олинishi масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Хитой академик алмашинув маркази (CSCSE) орқали аккредитациядан ўтиш ва Хитой томони шакллантирадиган махсус рўйхатга Ўзбекистон олий таълим муассасаларини киритиш масалалари юзасидан аниқ механизмлар муҳокама қилинди.

Учрашувда икки томонлама академик ҳамкорликни мустақамлаш мақсадида 2025 йил иккинчи ярмида Ўзбекистонда ўтказилиши режалаштирилган Ректорлар форуми ҳақида ҳам сўз юритилди. Мазкур анжуман университетлар ўртасидаги туғридан-туғри алоқаларни кучайтиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Шунингдек, жорий йил 1-2 июнь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон — Хитой минтақавий форуми доирасида таълимга бағишланган махсус йўналиш ташкил этилгани маълум қилинди. Унда университетлар, те-

гишли вазирликлар ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида академик алмашинув, қўшма дастурлар ва бошқа долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Мулоқотда Хитой университетлари филиалларини Ўзбекистонда ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ижобий динамикаси алоҳида эътироф этилди. Айниқса, Циан нефть университети филиали юзасидан келишувга эришилгани, Пекин технология институтини билан музокаралар олиб борилаётгани қайд этилди.

Шунингдек, Синхуа университети билан Тошкент шаҳрида илмий лаборатория ташкил этиш, Пекин университети билан эса Урганч шаҳрида Ўзбекистон — Хитой математика марказини очиб режалаштирилгани маълум қилинди.

Музокаралар давомида 2025 йил 13 июнь куни Чунсин шаҳрида бўлиб ўтадиган Биринчи Ўзбекистон — Хитой касбий таълим форуми масаласи ҳам муҳокама қилинди. Унда саноат, аграр сектор, рақамли технологиялар ва яшил энергетика каби устувор йўналишларда қўшма ўқув марказларини ташкил этиш тақдир илгари сурилди.

Учрашув якунида томонлар таълим соҳасидаги ҳамкорликни стратегик даражада мустақамлаш, илгари сурилган ташаббусларни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш бўйича келишувга эришилди.

Ўз мухбиримиз

Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак.  
**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

**УШБУ СОНДА:**



**ИСТАНБУЛ АЭРОПОРТИ – ОРЗУЛАРГА ЙЎЛ ОЧУВЧИ ДАРВОЗА**

2-бет

## O'zbekiston va Vengriya o'rtasida strategik sheriklikni chuqurlashtirishga qaratilgan oliy darajadagi tashrif



**Muxiddin KALONOV, Navoiy davlat universiteti rektori, Iqtisodiyot fanlari doktori, professor**

Prezidentimizning Vengriyaga amalga oshirgan rasmiy tashrifi hamda oliy darajadagi muzokaralar, erishilgan kelishuvlar va imzolangan hujjatlar nafaqat ikki tomonlama munosabatlarni yangi bosqichga olib chiqishda, balki O'zbekistonning xalqaro maydondagi nufuzini yanada mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

O'z navbatida, Vengriya Bosh vaziri Viktor Orban bilan bo'lib o'tgan uchrashuvda "Kengaytirilgan strategik sheriklik munosabatlarini o'rnatish to'g'risidagi qo'shma deklaratsiya"ning imzolaniishi mamlakatlarimiz o'rtasidagi o'zaro ishonch va mustahkam hamkorlikning yorqin ifodasidir. Bu jarayon barcha sohalar — iqtisod, sanoat, ta'lim, innovatsiya, qishloq xo'jaligi va boshqalarda jadal rivojlanishga keng yo'l ochadi.

Alohida ta'kidlash joizki, mazkur tashrif doirasida Turkiya davlatlar tashkilotining Budapesht shahridagi norasmiy sammitida davlatimiz rahbarining ishtiroki va unda so'zlagan nutqi O'zbekistonning turkiy integratsiya jarayonlaridagi faol ishtirokini yana bir bor namoyon etdi. Prezident Shavkat Mirziyoyevning tashabbusi bilan ta'lim etilgan Alisher Navoiy nomidagi xalqaro mukofotni topshirish marosimi esa xalqlar o'rtasidagi ma'naviy yaqinlik va do'stlikni mustahkamlashda o'ziga xos ramziy ahamiyatga ega.

Navoiy davlat universiteti jamoasi mazkur tashrifi tarixiy ahamiyatga ega deb baholaydi. Ushbu strategik yaqinlashuv zamiridagi ilmiy, ta'limiy va madaniy aloqalarni rivojlantirish imkoniyatlari, xususan, venger universitetlari bilan qo'shma loyihalar, talabalar va professor-o'qituvchilar almashinuvi, innovation ilmiy tadqiqotlarni yo'lga qo'yish kabi yo'nalishlarda hamkorlikni kuchaytirish borasida katta istiqbol mavjud.

Shu nuqtai nazardan, biz ushbu tashrifi — O'zbekiston taraqqiyotining yangi bosqichida xalqaro hamkorlikni chuqurlashtirish, ilm va ma'rifati asosida barqaror rivojlanishga erishishda muhim qadam, deb hisoblaymiz.

## HAMKORLIK ORQALI TARAQQIYOT SARI

Bu yo'lda tajribamiz, salohiyatimiz va imkoniyatlarimiz ortib bormoqda

**O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev tomonidan olib borilayotgan tashqi siyosat va xalqaro hamkorlikni mustahkamlashga qaratilgan islohotlar O'zbekistonning xalqaro maydondagi obro' va nufuzi oshishi bilan birga mamlakatimiz xalq xo'jaligining barcha jabhalarida ijobiy natijalar berayotganini ko'rib, guvohi bo'lib turibmiz.**

Ushbu jarayon ayniqsa, oliy ta'lim tizimi rivojiga ham katta ta'sir ko'rsatmoqda. Bugun dunyoning rivojlangan davlatlari, qo'shni mamlakatlar va qardosh xalqlar oliy ta'lim muassasalari bilan olib borilayotgan teng manfaatli hamkorlik O'zbekistondagi oliy o'quv yurtlarining yuksalishiga, rivojlanishiga xizmat qilmoqda.

Oliy ta'limning jahon miqyosida globalashuvi bugungi kunda har bir oliy ta'lim muassasasi jamoasi oldida xalqaro aloqalarni mustahkamlash, talabalar va professor-o'qituvchilar almashinuvi yo'lga qo'yish, zamonaviy pedagogik ishlanmalar va muhim takliflarni o'z ichiga olgan ilmiy tadqiqot ishlarini jahon miqyosida tan olingan universitetlar va ilmiy markazlar bilan hamkorlikda olib borish kabi muhim vazifalarni qo'yimoqda. Shu nuqtai nazardan, Samarqand davlat chet tillar instituti jamoasi xalqaro miqyosda nufuzli hamkorlik aloqalarini kengaytirish, akademik va ilmiy salohiyatni oshirish yo'lida tizimli ishlarni amalga oshirib kelmoqda.

Bugungi kunda institutimiz AQSh, Meksika, Germaniya, Fransiya, Italiya, Ispaniya, Turkiya, Janubiy Koreya, Yaponiya, Xitoy va Malayziyaning yuzga yaqin nufuzli universitetlari bilan hamkorlikni yo'lga qo'ygan. Ushbu hamkorliklar o'qituvchi va talabalar almashinuviga, qo'shma dasturlarni joriy etishga, ilmiy loyihalarni birgalikda ishlab

chiqish va ta'lim sifatini oshirishga xizmat qilmoqda.

Institut jamoasining sa'y-harakati bilan jahonning kuchli mingtalikka kirgan nufuzli oliy o'quv yurtlari bilan yangi hamkorlik shartnomalari va memorandumlar imzolashga erishilmoqda.

2024-yilda institutimiz tomonidan xalqaro hamkorlikni yuksaltirish borasida muhim qadamlar qo'yildi. Jumladan, Italiyaning Perudjiya universiteti va Yaponiyaning Nara prefekturasi universiteti bilan ikki tomonlama hamkorlik memorandumlari imzolandi. Saudiya Arabistonining Qirol Salmon universiteti va Ummon Sultonligining Sulton Qobus universiteti bilan hamkorlik aloqalari o'rnatildi.

Bundan tashqari, Meksika Qo'shma Shtatlarida Samarqand davlat chet tillar instituti delegatsiyasi mehmonda bo'lib, "O'zbekistonning bebaho merosi" nomli taqdimot tadbiri o'tkazdi. O'zbekona milliy urf-odat va an'analar, kuy-qo'shiq va raqslar mezbongarga o'zgacha taassurot qoldirganini ta'kidlash joiz.

Safar davomida Meksika milliy avtonom universiteti hamda Mexiko Shtati avtonom universiteti bilan Samarqand davlat chet tillar instituti o'rtasida hamkorlik shartnomalari imzolandi. Bu shartnomalar asosida amalga oshirishimiz lozim bo'lgan kelgusi rejalarimizni ham hamkorlarimiz bilan birgalikda belgilab oldik. Institutimiz Fransiyaning Puatye



**Bahodir XOLIQOV, Samarqand davlat chet tillar instituti rektori**

va Monpilyer universitetlari, Ispaniyaning Kadis va Kastilya La-Mancha universitetlari, Germaniyaning Myunxen til va tarjima universiteti hamda Turkiyaning Burdur Mehmet Akif Ersoy va Hacettepe rasmiy tashrifi bilan Erasmus+ dasturining "Xalqaro kredit mobiligi" yo'nalishida loyihalar amalga oshirib kelmoqda.

Fevral oyining boshida imzolangan hujjatlarga ko'ra Malayziyaning Sulton Idris ta'lim universiteti va Samarqand davlat chet tillar instituti o'rtasidagi hamkorlik yangi bosqichga ko'tariladigan bo'ldi.

Davlatimiz rahbarining Malayziyaga rasmiy tashrifi doirasida tashkil etilgan uchrashuv, tadbir va forumlarda har bir soha mas'ullari, mutaxassislari va olimlar ishtiroki ta'minlandi. Bu ikki davlat hamkorligida amalga oshiriladigan loyihalar ko'lamini va samaradorligini ortib borayotganini ko'rsatadi. Tadbirlarning bunday tashkil etilishi hamkorlikda rejalashtirilgan barcha loyihalar har ikkala mamlakatda ham izchil va uzoq ishlagan hamda yuqori natijalar berishiga xizmat qiladi, deb ishonch bilan aytishimiz mumkin.

2-бет



**ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК!**

4-бет



**БҮЮК ТАРИҚАТ АСОСЧИСИ**

5-6-бетлар

” Фуқароларнинг ҳар қандай муаммоларини ҳал этиш давлатнинг халққа нисбатан асосий мажбуриятларидан бири эканини унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

## ҲАМКОРЛИК ОРҚАЛИ ТАРАҚҚИЙОТ САРИ

Bu yo'lda tajribamiz, salohiyatimiz va imkoniyatlarimiz ortib bormoqda



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

“Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishda oliy ta’lim sohasidagi imkoniyatlar va tashabbuslar” mavzusida o’tkazilgan birinchi O’zbekiston — Malayziya ta’lim forumida ikki davlatning oliy ta’lim vazirlari oliy ta’lim muassasalari o’rtasidagi aloqalarni kengaytirish, akademik mobil dasturlarini rivojlantirish va qo’shma ta’lim dasturlarini joriy etish masalalarini muhokama qilishdi.

Biz, Samarqand davlat chet tillar instituti vakillari ham “Barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishda oliy ta’lim sohasidagi imkoniyatlar va tashabbuslar” mavzusidagi Birinchi O’zbekiston-Malayziya ta’lim forumining asosiy tadbirlarida faol ishtirok etib, taqdimotlarimiz bilan qatnashdik.

Forum doirasida Samarqand

shahrida “Ilm-fan va ta’lim: O’zbekiston — Fransiya ko’prigi” mavzusidagi qo’shma konferensiyani o’tkazildi.

Tadbirda O’zbekiston va Fransiyaning 30 dan ortiq oliy ta’lim muassasalari rahbarlari, shuningdek, ilm-fan va ta’lim sohasidagi yetakchi mutaxassislar ishtirok etishdi. Konferensiyada O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vaziri Qo’ng’irovboy Sharipov hamda Fransiya Oliy ta’lim va tadqiqotlar vazirligi Yevropa va xalqaro departamenti boshlig’i Maniel Boire shuningdek, Fransiya va O’zbekistonning 30 dan ortiq oliy ta’lim muassasalarining rahbarlari ishtirok etishdi.

Tadbirdan ko’zlangan asosiy maqsad ikki mamlakat o’rtasidagi o’zaro hamkorlik aloqalarni rivojlantirish, ayniqsa ilmiy-texnik va ta’lim sohalarida hamkorlikni mustahkamlashdir. Tadbir doirasida



davlat chet tillar instituti va Malayziyaning Sultan Idris ta’lim universiteti (Universiti Pendidikan Sultan Idris) rektori professor Dato’ Dr. Muhammad Amin Bin Muhammad Taff janoblari bilan hamkorlik kelishuviga erishdik.

Natijada Malayziyaning Sultan Idris ta’lim universiteti bilan imzolangan xalqaro hamkorlik shartnomasiga binoan 2025/2026-o’quv yilidan boshlab mazkur oliy ta’lim muassasasi bilan talabalar almashinuvini dasturlari yo’lga qo’yiladi. Malayziyalik talabalar uchun Samarqand davlat chet tillar institutida yozgi maktablar tashkil etiladi. Ikki tomonlama ilmiy-pedagogik hamkorlik kuchaytiriladi.

Joriy yilning 10-mart kuni O’zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Fransiyaqa oliy darajadagi tashrif doirasida Parij

qo’shma ta’lim dasturlarini joriy etish, professor-o’qituvchilar malakasini oshirish, talabalar almashinuvini kengaytirish bo’yicha 20 dan ortiq oliyogohlararo shartnomalar imzolandi. Xususan, xalqaro konferensiya doirasida Samarqand davlat chet tillar instituti hamda Fransiyaning Fransuz tilini o’qitish innovatsion metodik markazi o’rtasida hamkorlikda faoliyat olib borish va o’zaro tajriba almashish, ta’lim sifatini yanada rivojlantirishda innovatsion loyihalarni amalga oshirish yuzasidan hamkorlik shartnomalari imzolandi.

Xalqaro konferensiya doirasida Samarqand davlat chet tillar instituti hamda Fransiyaning Fransuz tilini o’qitish innovatsion metodik markazi o’rtasida hamkorlikda faoliyat olib borish va o’zaro tajriba almashish,

ta’lim sifatini yanada rivojlantirishda innovatsion loyihalarni amalga oshirish yuzasidan hamkorlik shartnomasi imzolandi.

Shu bilan bir qatorda, Pol Valeri nomidagi Monpelye universiteti rektori, professor Anne Fraisse xonim bilan ilm-fan va ta’lim sohasini yanada rivojlantirish yuzasidan muzokara olib bordik. Muzokaralar yakunida imzolangan bitimga muvofiq Yevropa Ittifoqining Erasmus+ dasturi Key Action 1 granti yordamida 2027-yilgacha bo’lgan muddatda ikki oliy ta’lim muassasasi o’rtasida talaba almashinuvini, doktorantlar stajirovkasi va professor-o’qituvchilarning malakasini oshirish o’quv amaliy kurslarini tashkil etish belgilandi.

Institutimiz AQSh, Germaniya, Italiya, Xitoy va Fransiyaning O’zbekistondagi elchixonalari hamda “KOICA”, “American Council”, Toshkentdagi Gyote instituti kabi xalqaro tashkilotlar bilan mustahkam aloqalar o’rnatgan bo’lib, ushbu hamkorlik natijasida ilmiy-pedagogik yo’nalishlarda ko’plab yutuqlarga erishildi.

Quvonarli, xalqaro reytinglarda e’tirof etila boshladik, bu institutimiz mehnat jamoasi tomonidan qo’lga kiritilayotgan ulkan yutuqlardan biri ekanini ta’kidlamoqchiman.

Bugungi kunda oliy ta’lim muassasasi uchun xalqaro reytinglarda yuqori o’rinlarni egallash muhim strategik maqsad hisoblanadi. Nufuzi va salohiyati oshishini maqsad qilgan har bir oliy o’quv yurti jamoasi xalqaro reytinglarda yuqori o’rinlarni egallash maqsadi sari intiladi. Afsuski, xalqaro reytinglarda baland pog’onalarni egallash o’z-o’zidan bo’lmaydi. Buning uchun jamoadan kuchli mehnat, bilim va izlanish va eng muhimi kuchli salohiyat talab etiladi. Oliyogoh professor-o’qituvchilarning ilmiy va pedagogik salohiyati yuqori, ta’lim berishda sifat va samaradorlik e’tirof etishga arziqli darajada va institut tayyorlab berayotgan kadrlar raqobatga bardoshi bo’lishi lozim. Eng muhimi, oliy ta’lim dargohida sog’lom ilmiy va ma’naviy muhit hukmron bo’lishi kerak.

Samarqand davlat chet tillar institutida ham jamoa tomonidan ushbu yo’nalishlarda ishlar belgilangan reja asosida amalga oshirilayotgani bois ilk yutuqlar qo’lga kiritila boshladi.

2030-yilga borib, institutimiz jamoasi xalqaro e’tirof etilgan reytinglarda nufuzli 1000 talikdan o’rin olishni maqsad qilgan. Bunga yetishish uchun jamoamiz bir tan-ujon bo’lib mehnat qilmoqda.



## ИСТАНБУЛ АЭРОПОРТИ – ОРЗУЛАРГА ЙЎЛ ОЧУВЧИ ДАРВОЗА

Хар бир саёхатнинг бошланиши — ундаги энг таъсирли лаҳзалардан. Айниқса, бирор давлатга илк бор қадам қўйганда, унинг биринчи қарши олувчиси, табиийки, аэропорт бўлади. Шу боис, дунёдаги 40 000 дан ортиқ аэропорт орасида шундайлари борки, улар нафақат транспорт инфратузилмаси, балки миллий гурур, орзулар ва юксак интилишлар рамзига айланган. Ана шундай бандаргоҳлардан бири — Истанбул халқаро аэропорти.

Ўзбекистонлик бир гуруҳ медиа вакиллари сафида мен ҳам Туркиядаги таширда иштирок этдим. Саёхатимизнинг энг ёрқин ва эсда қоларли таассуротларидан бири айнан ушбу аэропортга бағишланди.

### Ташкентдан парвоз

Бу сафар Ташкент ҳавоси илк бор менга энгил туюлди. Илгарилар самолётга чиқиб — одат, режа, зарурат бўлган бўлса, бу гал у — интиқликка айланган орзу эди. Чемоданимда анча энгил юз — бир нечта кийим, дафтар, қалам. Аммо юрагимда тўлиб-тошган тўйгулар — сира энгил эмасди. Мен Туркияга — дунёдаги энг йирик аэропортлардан бирига қараб парвоз қилардим.

“Ташкент” халқаро аэропортида хар доимгидек саранжом-сарихта, лекин инсон юрагидида ҳаяжон ҳеч қандай тартибга бўйсунма олмайди. Паспорт назоратидан ўтиб, “Туркия ҳаво йўллари” учоғига қадам қўйган пайтда ҳамон ҳаёлда Истанбул, у ердаги замонавий аэропорт, нотаниш инсонлар, янгиликларга тўла манзаралар айланарди.

Самолётнинг мотори ишга тушди. Илк тебриани, илк парвоз... Уша лаҳзада мен бугун фақат географик жойни эмас, балки ҳолатимни, тафаккуримни, дунёқарашимни ҳам ўзгартиришга кетар эканимни ҳис қилдим.

### Осмондаги сукунат

Қанотлар остидан Ташкентнинг чорраҳалари, тоғлар сояси, чўллар сукунати қолди. Самолёт балангда қўтарилган сари ҳаётдаги майда тўшвилар ортида қолар, инсон фақат манзилга — ичидидаги кўнлмаган ҳислар сари юзланар экан.

Тахминан тўрт ярим соатлик парвоздан сўнг ойнадан Истанбул манзаралари кўрина бошлади: денгиз суяклаган қирғоқлар, тепа-пастиқда жойлашган бинолар, нурга ботган шаҳар, ва... уларнинг қўқ юрагидан улкан металл ва ойна ўйғунлиги — Истанбул аэропорти.

### Истанбулда кўниш — бир дунёга тушиш

Шунча аэропорт кўрганман, лекин Истанбул халқаро аэропортидаги кўниш бошқача эди. Учоқ шасси тегган заҳоти, гўёки бошқа вақтда, бошқа фазода кўнгандай бўлдим. Бу ерда барча ҳаракатлар ўйланган, синхрон ва... сукунати билан ҳайратлангирадиган даражада аниқ.

Терминалга қадам қўйганимда, атрафдаги тозалик ва кенглик нафас олишимни энгиллаштирди. Ёруғлик кўп, одамлар кўп, лекин бетартиблик йўқ. Бу ерда миллиятлар устидан бир хил таъсир ўтадиган нарса бор — у ҳам бўлса, парвозга интилиш, манзилга етмоқ истаги.

### Шиша ортидаги дунё

Терминалдаги панорамали ойналар орқали аэропортнинг юраги кўринади: самолётлар ҳаракати, югуриб кетаётган “pushback”

машиналари, ёнғинга тайёр бўлган хизматлар, ва... бир неча юз метрлик масофада қўнган самолёт қанотидан тушаётган одамлар.

Аэропорт — бу бир вақтда минглаб қиссалар жойлашадиган сахна. Бир бола отасининг қўлидан ушлаб, ҳайрат билан осмонга қарайди. Ёш қиз чемоданини тортар экан, жуда ўзини эркин тутди. Бир эркак ўз тилида телефонда гаплашади, овози танийдиган эмас. Хар бир юзда бир қисса. Бу ерда мен ўзимни дунё театрининг томошабини эмас, бир қисмидаги ҳис қилдим.

### Турфа миллатлар — бир терминалда, бир мақсадда

Гўёки бутун олам шу ерга йилгандек: арабча, энглизча, русча, форсча, туркча, хитойча... Биринини тушунмайдиган тиллар, лекин ҳаракатда — умумий тил. Кимдир унишга шошаётди, кимдир яқинларини кутиб турибди. Турфа либослар, хилма-хил юзлар, хилма-хил кулгулар.

Мен бир бурчакда жим туриб, бор гамимни ва шодлигимни ушбу манзараларга сингдира бошладим. Бу ерда инсонни таниқли қилиб турадиган нарса — у қаердан келгани эмас, балки қаерга кетаётгани.

Яна бир нарса. Боғичимни олгунимча атрафдаги ҳолатни кузатдим. Ёнг ажабланарлиси — бу аэропортда турли миллат ва эл вакиллари гўёки бир оила каби ҳаракат қилар, хар бир рейс, хар бир ходим, хар бир бурчак ўз вақтисини мукаммал бажарарди. Бу ерда вақт нафақат тез ўтади, балки у ичиди тарих, меҳнат, инновация ва гурур ҳам яшайди.

### Ғоядан реалликка: “Ғалаба рамзи”га айланган лойиҳа

2018 йилнинг декабрида Туркия президенти Режеп Таййип Эрдоган томонидан тантанали равишда очилган ушбу аэропорт “Бу шунчаки аэропорт эмас, балки ғалаба рамзидир” деган сўзлар билан таъсирланган. Беҳиз эмас — чунки бу иншоот нафақат транспорт хизматини, балки Туркиянинг глобал мақсадларини, технологик кўрениш ва геосийсий амбицияларини намоён этади.

Шунингдек, нуфузли тadbирнинг очилиш маросимида турли мамлакатларнинг 50дан зиёд юқори мартабали вакиллари иштирок этишган. Улар орасида Албания президенти Илбир Мета, Катар амирами Тамим бин Ҳамд Ол Соий, Қирғизистон президенти Сооронбай Жээнбеков, Косово президенти Ҳошим Тачи, Шимолий Кипр Турк Республикаси президенти Мустафо Оқинжи, Македония президенти Георге Иванов, Молдова президенти Игорь Додон, Покистон президенти Ариф Алви, Сербия президенти Александар Вучич, Судан президенти Умар Ҳасан Ахмад ал-Башир, Босния ва Герцеговина бош вазири Денис Звездич, Болгария бош вазири Бойко Борисов, Словения бош вазири Ўринбосари ва инфратузилма вазири Аленка Братушек, Грузия ТИВ раҳбари Давид Залкалиани, Эрон ташқи ишлар вазири Муҳаммад Жавод Зариф, Ўзбекистондан маросимда бош вақир ўринбосари Очилбой Раматов иштирок этган.

### Микёси билан ҳайратлангирди

Аэропорт худуди — 76,5 миллион квадрат метр. Фаолият кўрсатётган биринчи босқич 1,3 миллион квадрат метрлик бинони ўз

ичига олади. Бу ерда 500 та рўйхатдан ўтиш кабинаси, 230 та паспорт назорати пункти мавжуд. Хар бир бурчакда замонавийлик, юқори даражадаги ташкил этувчанлик сезилиб туради.

Ёнг қизиги — 70 минг автомобильга мўлжалланган автотурагўҳ ва 9 минг ақлли камералар тизими. Йўловчилар учун 140 дан ортиқ реактив кўприклар, божсиз савдо нуқталари, намозхоналар, болалар учун масканлар, тиббиёт марказлари — барчаси бор.

### Технология ва хавфсизлик — замонавий ечимларда

Бу ердаги хавфсизлик ва бошқарув тизимлари оддий эмас — суний интеллект, шахс ва автотранспорт рақамларини автоматик аниқлаш, ер усти радарлари каби технологиялар қўлланилган. Бу нафақат хавфсизликни таъминлайди, балки йўловчи тажрибасини энгиллаштиради.

### Қурилиш ортидаги юраклар

Аэропорт қурилишида иштирок этган 10 минглаб муҳандис, меъмор, курувчи ва техниклар ҳақида кўп гапирилмайди. Аммо ана шу қаҳрамонлар — бу лойиҳанинг ҳақиқий созандаси. Уларнинг меҳнати, туну кун ёмғир ва шамолдаги машаққати сўзсиз буюклини тугдиради.

### Туркия учун глобал марказ — дунё учун узатилган кўл

Истанбул аэропорти дунёнинг 250 дан зиёд авиакомпаниясини қабул қилиши ва 350 йўналишда парвозларни амалга ошириши режалаштирилган. Бу Туркиянинг жаҳон авиахаритасидаги энг муҳим нуқталардан бирига айланишини аналтади. Чунки Истанбул — жойлашуви бўйича Европа ва Осиёни боғловчи “кўприк”.

### Ўзбек саёхатчи учун — яқин ва кулай дунё

Ўзбекистонлик саёхатчилар учун Истанбул нафақат бизнес ва сайёҳлик, балки маданий ва диний яқинлик нуқтаси ҳамдир. Аэропортда турли тилдан ташқари энгилзи тилда бошқа тиллардаги хизматчилар бор. Қўплаб ўзбекистонликлар бу ерда ўзини хорижда эмас, балки таниш муҳитдадек ҳис қилади.

### Дунёдаги бошқа аэропортлар билан таққос

Истанбул аэропорти Дубай ёки Бейжиндаги аэропортлар билан солиштирсак, унинг ўзига хос томонлари кўзга ташланади. Унда миллий услуб, кулайлик ва технологик илдамлик бирлашган. Бу аэропортда сиз ўзингизни нафақат йўловчи, балки эътибор марказидаги инсондек ҳис қиласиз.

### Хулоса — парвоз ортидаги маъно

Истанбул аэропортида бўлганимда, кўнглимда шундай бир ҳис пайдо бўлди: инсон хоҳласа, у дунёдаги энг катта нарсаларни ҳам бунёд этиши мумкин. Бу аэропорт шунчаки темир ва бетон эмас, балки орзуларга йўл очувчи дарвоза, муҳандис ақли ва ишчи қўлининг қули, халқ иродасининг ифодасидир.

Биз ўз юртимизда ҳам шундай аэропортлар, шундай инфратузилмалар бўлишини истаимиз ва ишонимиз. Чунки юксалиш ҳам, парвоз ҳам — аввало орзу, сўнгра меҳнат билан бошланади.

Ислом АСИЛБЕКОВ,  
журналист

„**Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак.**

## Ingliz va o'zbek maqollarida dehqonchilik terminlarining etnolingvistik tahlili

**Xalq maqollari — xalq tafakkuri, hayotiy tajribasi va qadriyatlarini o'zida mujassam etgan til boyligining noyob qatlamidir. Har bir xalqning madaniyati, tarixi va yashash tarzi ularning tilida, xususan paremiologik birliklarida chuqur aks etadi. Etnolingvistika ana shu til-madaniyat o'zaro aloqalarini o'rganuvchi fan sifatida maqollarni madaniy, ijtimoiy va tarixiy kontekstda tahlil qilish imkonini beradi. Shu jumladan, dehqonchilik faoliyati bilan bog'liq terminlar ishtirokidagi maqollar xalqning mehnatga, yerga, hosilga, sabrga bo'lgan munosabatini anglashda alohida ahamiyat kasb etadi.**

O'zbekiston qadimdan agrar jamiyat bo'lib kelgan. Dehqonchilik — nafaqat moddiy yashash manbai, balki milliy o'zlik, an'ana va qadriyatlar asosidir. Shu sababli o'zbek xalq og'zaki ijodida dehqonchilik terminlari, yer, suv, urug', belkurak, shudgor, hosil kabi tushunchalar asosida yaratilgan maqollar ko'p uchraydi.

Masalan: „Yerga nima eksang — shuni o'rsan“ — bu maqolda sabab-oqibat qonuniyati ifodalaniib, nafaqat dehqonchilik faoliyatiga, balki hayotdagi har bir insoniy amaliyotga nisbatan umumlashgan pand-nasihat ifodalangan.

„Ekilmagan yer hosil bermas“ — bu maqolda harakat, mehnat, intilishsiz natija bo'lmasligi ta'kidlanadi. Bu xalqimizda mehnatga yuqori qadriyat sifatida qaralishini ko'rsatadi.

„Ko'p ekan — ko'p o'rar“, „Hosilga sabr kerak“, „Suv bor joyda baraka bor“ kabi maqollar orqali tabiat bilan uyg'unlik, baraka, sabr-toqat, mehnatsevarlik targ'ib etiladi.

Bu maqollar xalqning dehqonchilikni faqat tirikchilik vositasi emas, balki ma'naviy kamolot, sabr va barakaga erishish

yo'li deb bilganini ko'rsatadi. Ular orqali tabiat bilan uyg'un yashash, vaqtni qadrlash, mehnatga bo'lgan muhabbat singari qadriyatlar avloddan-avlodga o'tadi.

Ingliz tili paremiologiyasida ham dehqonchilik terminlari asosida yaratilgan maqollar mavjud. Masalan:

„You reap what you sow“ — bu maqol o'zbek tilidagi „Yerga nima eksang — shuni o'rsan“ maqoliga ma'nodosh bo'lib, inson o'z qilgan ishiga qarab natijani olishini ifodalaydi.

„Make hay while the sun shines“ — ya'ni „Quyosh chiqib turganda pichan tayyorla“ degan mazmunda, bu maqol vaqtni to'g'ri boshqarish, imkoniyatdan unumli foydalanish zarurligini ta'kidlaydi.

„Don't count your chickens before they hatch“ — bu maqolda esa hali hosil olinmasidan turib natijani oldindan kutish noto'g'riligiga e'tibor qaratiladi. U ehtiyotkorlik va realizmni targ'ib etadi.

„As you sow, so shall you reap“, „A good harvest needs hard work“, „Plant the seed and be patient“ kabi maqollar ingliz tilida dehqonchilik asosidagi ijtimoiy va axloqiy saboqlarni yoritadi.

Bu maqollarni etnolingvistik jihatdan tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, har ikki xalq mehnat va baraka o'rtasidagi bog'liqlikni qadrlaydi. O'zbek xalqida dehqonchilik ko'proq hayot falsafasi, mehnatsevarlik, sabr va tabiat bilan uyg'unlik orqali ifodalangani. Ingliz xalq maqollarida esa vaqtni qadrlash, reja asosida harakat qilish, ehtiyotkorlik va harakatning oqibatiga tayyor bo'lish kabi g'oyalar ustun turadi.

*Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, ingliz va o'zbek maqollaridagi dehqonchilik terminlarining etnolingvistik tahlili shuni ko'rsatadiki, til orqali har bir xalqning madaniy qadriyatlarini, tarixiy tajribasi va dunyoqarashi ifodalangan. Bu maqollar nafaqat til boyligi, balki axloqiy tarbiya, ijtimoiy ong va milliy xotiraning uzviy tarkibiy qismidir. Etnolingvistik yondashuv orqali biz tilni chuqurroq anglaymiz, til orqali esa xalqning ichki dunyosi, qadriyatlarini va madaniy merosini kashf qilamiz.*

**Rustam MAXSUMOV, Denov tadbirkorlik va pedagogika instituti, Xorijiy til va adabiyoti quyi kurslar kafedrasini o'qituvchisi**

## ABDURAUFI FITRAT IJODINING O'ZBEK KLASSIK MUSIQA SI TARAQQIYOTI KESIMIDA

**Fitrat timsolida yozuvchi, tarixchi, adabiyotshunos, tilshunos, san'atshunos va siyosatshunos olimlik qirralari mujassam. Fitrat faoliyatining har bir qirrasini o'zbek ma'naviyatida yangi sahifalarning ochilishiga sabab bo'lgan. Bir so'z bilan aytganda Fitrat — vatanparvardir. Ijtimoiy-madaniy hayotida faol ishtirok etib kelayotgan Fitrat tashabbusi bilan 1921- yilda Buxoroda „Sharq musiqa maktabi“ tashkil qilinishi muhim madaniy hodisa bo'ldi.**

O'quv dargohi uchun Fitrat dastlab o'z uyini ajratib berishi va uning faoliyatiga bevosita mas'ul bo'lishi, shuningdek, maktabga Ota Jalol, Ota G'iyos, Levicha, Domla Halim ibodov, Shohnazar Sohobov, Boboqul Fayzullayev, Ma'rufjon Toshpo'latov kabi mashhur hofiz-u maqomshunoslarni jalb etishi, Buxoro ziyolilarining musiqa maktabidan ko'zlayotgan maqsadlari naqadar ulug' ekanligidan dalolat beradi. Bu dargohda asosan mumtoz musiqa -Shashmaqom targ'iboti va ta'limi yo'lga qo'yildi. Musiqa madaniyati sohasidagi sa'y-harakatlarning muttasil davomi sifatida yana bir tarixiy tadbir amalga oshirildi. U ham bo'lsa, Fitrat tashabbusi bilan rus etnograf va musiqashunosi V.Uspenskiy Shashmaqomni ilk bor zamonaviy notaga olish uchun Buxoroga taklif qilindi. Fitrat homiyligi va V.Uspenskiyning zahmatli mehnatlari samarasi sifatida 1924-yilda „Shashmaqom“ „Shest muzikalnih poem“ („olti musiqiy doston“) nomi ostida Moskvada nashr etildi. Abduraufi Fitrat adab, ilm-fan va ma'rifati peshvosi o'rnida o'zining serqirra ijodi orqali tariximizda chuqur iz qoldirgan ulkan shaxs. Fitrat 1928- yil shu davrda O'zbekistonning poytaxti bo'lib turgan Samarqand shahrida nafaqat musiqa va raqs institutini oyoqqa qo'yishda faol ishtirok etdi, balki g'oyaviy emakdosh o'rnida ulkan jonbozlik ko'rsatganligini alohida qayd etish joiz. Eng avvalo shuni ta'kidlash joizki, Fitrat o'zining o'zbek musiqasi to'g'risidagi maqollari hamda „O'zbek klassik musiqasi va uning tarixi“ risolasi bilan XX- asr o'zbek musiqashunosligining tamal toshini qo'yishga intildi.

Ma'lumki, bizda o'zbek adabiyoti va musiqiy merosiga nisbatan ilk marotaba „klassik“

tushunchasini A.Fitrat o'zining „Adabiyot qoidalari“ va „O'zbek klassik musiqasi va uning tarixi“ asarlarida kiritdi. Uning keng mafkurasi, jumladan, yevropacha bilimlari bu umumiy universal atamaning joriy qilganligini asosiy sababi deyish mumkin. Zero, ko'p o'rinlarda „klassik“ so'zi o'zbek tilidagi „mumtoz“ so'zlari bilan ma'nodosh o'rnida qo'llanilganligini eslatib o'tib, professor Fitratning aynan „klassik“ atamasida to'xtalganligi va butun boshli risolaning „O'zbek klassik musiqasi va uning tarixi“ deb nomlanganida ham o'ziga xos ma'no borligini ta'kidlash zarur. Ma'lumki, „klassik“ tushunchasi insoniyat badiiy merosining oltin nuqtasi sifatida tan olingan eng mukammal va dunyoviy ahamiyatga molik namunalariga nisbatan ishlatiladi.

„Klassik“ darajasini ta'kidlash uchun Fitrat, avvalo, „Adabiyot qoidalari“ risolasida „san'at“ tushunchasiga umumiy ta'rif beradi: „San'at lug'atda hunar demakdir, bir narsani yaxshi ishlab chiqarishdan iboratdir“. Fitrat nazdida san'at deyilganda avvalo biror bir ezuq maqsadga xizmat qiladigan hunar-ishdir. Ammo tanbur yoki dutor cholg'usini yasash san'ati bilan tanburda muayyan bir kuyni, masalan, „Iroq“ni ijro etish san'ati orasida o'ziga xos farq borligini ham ta'kidlaydi. Binobarin, tanbur cholg'uning san'at sifatidagi yaxshiligi biror ishga yaranligi bo'lsa, Iroq kuyining yaxshiligi uning insonga ma'naviy ta'sir etishi hamda inson ongini to'lqinlantirishidir, deb xulosa qiladi.

**Shahboz ALIMARDONOV, O'zbek milliy maqom san'ati markazi Surxondaryo viloyati hududiy bo'limi ansambli artist sozandasi.**

## МАТОНАТ НАМУНАСИ

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотларнинг асосий мақсади “Инсонни улуглаш ва унинг қадрини юксалтириш” эканлиги барчамизни кувонтиради.**

Давлатимиз раҳбари томонидан амалга оширилаётган одилонга сиёсат намуналаридан бири сифатида Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманида туғилган Холмирзаев Илёс Қаландар ўғли ҳисобланади. Бахтсиз ҳодиса сабабли 2019 йилда ногиронлик аравачасига ўтириб қолганига қарамасдан Илёсбек ўзининг ҳаётга бўлган қизиқиши ва давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятдан унумли фойдаланган ҳолда 2023 йилдан бошлаб Сариосиё туманида пара камондан ўқ отиш спорт тури билан шуғулланишни бошлади. Қисқа муддат ичида ўзининг тиришқоқлиги сабабли 3 (уч) қарра Ўзбекистон чемпиони бўлди. Бун-



дан ташқари тарихда илк маротаба Сурхондарё вилоятидан пара камондан ўқ отиш спорт тури бўйича терма жамоа аъзоллигига қабул қилинди.

Илёсбек нафақат имконияти чекланган балки соғлом инсонлар учун ҳам ҳақиқий матонат намунаси ҳисобланади. Унинг эришган ютуқлари давлатимиз томонидан муносиб баҳо-ланиб 2025-2026 ўқув йилидан бошлаб Денов тadbirkorlik ва педагогика институтига имтиёзли давлат гранти асосида ўқишга тавсия этилди. Қажрамонимиз ўзининг кийинги фаолиятини бевосита таълим билан боғлаган ҳолда таълим муассасасида ўз иқтидорини талабаларга ўргатишга бел боғлаган. Шундай матонатли, тиришқоқ ёшларимизни сафи янада кенгайтиришга тилакдошмиз.

**М.ТОШБОБОВ, Денов тadbirkorlik ва педагогика институти ўқитувчиси**

## ЯШИЛЛИК ДУНЁНИ ОБОД ЭТАДИ

**Агарда яшиллик дунёсига зарар етса, табиий мувозанат бузилади. Бунинг оқибатида иқлим ўзгариб қурғоқчилик, чанг, тўзон, сел ва тошқин каби табиий офатлар содир бўлади. Шу каби ҳўнгилсизликларнинг олдини олиш юртимизни ҳақиқий кенг гўшага айлантириш мақсадида сўнгги йилларда мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси асосида баҳор ойларида кўчат экиш ва ободонлаштириш тadbiri ўтказилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Бу орқали мамлакатимизда яшиллик дунёсини асраш ва кўпайтириш бугунги кунда дунёда содир бўлаётган иқлим ўзгаришининг Ўзбекистонга салбий таъсирини камайитиришга эришилмоқда.**



Вилоятнинг шимолий тумани ҳисобланмиш Сариосиё туманидаги Узун давлат ўрмон ҳўжалигининг иш фаолиятдан аксарият аҳоли яши хабардор. Узун давлат ўрмон ҳўжалиги воҳада жойлашган энг йирик давлат ўрмон ҳўжаликларида бири ҳисобланади. Ўрмон ҳўжалигининг умумий ер майдони 106 минг 450 гектарни ташкил қилади. Шундан 19475 гектари табиий 1084 гектари маданий ўрмонзорлар. Шундай кенг ҳудудда жойлашган ҳўжаликнинг Зе-вар, Сангардак ва Узун бўлимлари мавжуд. 38 гектар майдонда 50 турдан зиёд турли хил мевали ва манзарали кўчатлар етиштирилади. Айни пайтда ушбу майдонда 5 миллион тупдан ортик кўчатлар парваришланмоқда. 1 миллион тупга яқин кўчат “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида корхона ва ташкилотларга тарқатилди.

Ўрмон ҳўжалиги директорининг айтишига қараганда ўрмонларни кенгайтириш, асраш ва ҳимоялаш ўсимлик ва ҳайвонат дунёсини кўпайтириш асосий иш фаолиятига киради.

— Сўнгги пайтларда ўрмон ҳўжалигида мавжуд имкониятлардан оқилонга фойдаланган ҳолда, ноёб ва кам учрайдиган ўсимлик турларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Асли ватани Жанубий Америка ҳисобланган гинчаблота минг туп ботқоқ сарвиси 3 минг туп лованда (бута гул) 10 минг туп шунингдек, каштан ва Япон сафораси кўчатлари етиштирилмоқда. Ўтган йили 250 минг туп кўчат етиштирилди. Шундан 132 минг туп мевали ва манзарали кўчатлар сотилди. Жумладан 70 минг туп ниҳол Сариосиё, Узун ва Денов туманида жойлашган шифохона, маҳалла, мактаб ва боғчаларга бегараз тарқатиб берилди, — дейди бош ўрмончи Исмомиддин Ғойибов. Ўрмон ҳўжалигига қарашли ишлаб чиқариш соҳасида 3 йилдан бери Лованда гулидан юмшоқ ёстиқлар ишлаб чиқарилаётганлиги албатта хайрли. Ушбу соҳада ишлаб чиқарилган хонтахта, охур, норвон, стол-стулларнинг эҳтиёждан ортиқчаси аҳолига сотилади. Ўрмон кенг ҳудудда жойлашганлиги сабабли пиёда назорат қилишининг имкони йўқ.

Ўрмон назоратчиларига 17 та от ажратиб берилган. Улар доимий равишда ҳудудда кузатув ва назорат ишларини олиб беришади. Айни пайтда ҳисобимизда 118-423 та асалари оиласи мавжуд.

— Ўтган йили 2400 қлограмм сифатли тоза асал етиштиридик. 1300 бош кўй Сангардак тоғи ҳудуддаги яйловларда боқилмоқда 1000 бош парранда парваришланмоқда. Ҳўжалигимизда 170 дан ортик ишчи-ҳодимлар доимий иш билан банд, — дейди Узун давлат ўрмон ҳўжалиги директори Рамзиддин Низомиддинов. — Шунингдек ўрмон ҳўжалигида кўплаб доривор гиёҳлар етиштирилади.

53 гектар майдонда 203 тонна 15 турдан зиёд қалампир, ялпиз, дала-чой, тирноқгул, тоғрайхон, наъматак каби шифобахш доривор гиёҳлар етиштирилади. Ўтган йили ўрмон ҳўжалиги ҳудудида табиий ҳолда ўсувчи доривор гиёҳлардан 7 тонна йиғиштириб олинди. Сир эмаски, Сариосиёнинг тоғ ва ўрмонлари гўзаллиги билан кўплаб туристларни ўзига жалб қилади. Хусусан, Сангардак шаршараси ўрмон ҳўжалиги ҳудудида жойлашган энг оммабоп туристик манзиллардан бири ҳисобланади. Қолаверса, боғнинг юқори қисмида учрайдиган шаршаралар 100-150 йиллар Зарафшон арчалари барчаси кишида ҳайрат уйғотади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкин, вилоятимизда буюқ ҳаётини неъмат бўлмиш яшил дунё салтанатини асраш ва авайлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз ҳисобланади. Айниқса, бу Сариосиё туман Узун давлат ўрмон ҳўжалиги масъулларига янада улкан масъулият юклайди.

**Ўз муҳбиримиз.**

## Hayotning sinovi sabr va toqat

Hayot bu charx-falak aylanar tinmay, Birovga qilganing qaytar o'zining. Yaxshilik qilsang gar yetar ko'zingga, Yomonlik eksangham qaytar o'zingga. Qismat adolatli, hech aldamaydi, Hayot ustoz, saboq bermay qo'ymaydi. Ba'zan shirin-ba'zan dard bilan, So'zlari xanjardir chopib tashlaydi. Lekin bardoshlilar yengib o'tadi, Bardoshsiz bir yo'lda qolib ketadi. Orzusi so'nadi umidi sinib, Lekin hayot-ku bu yashayveradi. Ko'ngling ozor yetsa, yuraging og'rib, O'zingni ayblama qalbingni tilib. Har bir dard ichida bordur bir hikmat, Hayotning sinovi sabr va toqat.

**Mehribon TO'RAQULOVA, Bandixon tuman MMTB ga qarashli 29-maktab 10 sinf o'quvchisi**

## 4 ХУҚУҚ

“**Ҳар бир давлат хизматчиси ҳар куни ўзининг меҳнати билан эгаллаб турган лавозимига лойиқлигини исботлаши керак.**



## Бола ҳуқуқларини таъминлаш – инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг бош мезони

**Фарзандларимиз келажакимиз пойдеворидир, Ўзбек халқининг болажон халқ эканлигини барчамиз учун тан олинган ҳақиқат. Бу бугун ёки кеча шаклланган анъана эмас, балки асрлар давомида бизга мерос бўлиб келаётган қадриятдир. Бу қадриятларнинг таг замирида болани эъзозлаш, унга, энг аввало, инсон сифатида муомалалада бўлиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш масалалари ётади. Эндиликда халқаро миқёсда эътироф этилаётган бу ҳуқуқ нормалари аслида юртимизда қадим-қадимдан шаклланган.**

Шу боис ҳам миллий қадриятларимизга таяниб ёзилган Бош қомусимизда бу масалага алоҳида эътибор берилган. Жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги (77-модда), оналик, оталик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши (78-модда) кафолатланган.

Бундан ташқари, давлатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳам Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция бўлган эди. 1992 йил 9 декабрдаги ушбу конвенция орқали Ўзбекистон дунёнинг 193 давлати қаторида бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга доир қатор қатор ҳужжатларни ўз зиммасига олди.

Шунингдек, Ўзбекистон Бола ҳуқуқларини таъминлашда БМТнинг Фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт, Хотин-қизларга нисбатан камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, Ирқий камситишларга барҳам бериш тўғрисидаги конвенция ҳамда Қийноқ ва муомала ва жазонинг шафқатсиз, ноинсоний ҳамда кадр-қимматни камситувчи бошқа турлари тўғрисидаги конвенция каби кўплаб асосий халқаро шартномаларга ҳам таянади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари бўйича умумэтироф этилган тамойиллар устуворлигини таъминлаш, бола ҳуқуқларига оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро шартномалар бажарилишини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича 100 дан зиёд қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Энг муҳими, Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш бўйича комплекс ҳуқуқий асослар яратилди. Айниқса, 2008 йил 7 январда қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун бу борада тарихий ҳужжат бўлди.

Бир қарашда соҳага оид муносабатларнинг барчаси тўлақонли тартибга солингандек, ҳаммаси ўз ўрнидадек туюлади. Аммо инсон ҳуқуқлари, айниқса, бола ҳуқуқлари соҳаси шундай тизимки, давр ва вақт ўтган сари янги-янги ўзгаришлар, қўшимчалар киритилмаса, ҳуқуқни рўёбга чиқаришда муаммолар юзага келаверади. Бу эса болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг баркамол авлод бўлиб етишишини таъминлаш борасидаги фаолиятнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш зарурати тобора ортиб бораётганини кўрсатади.

Шу боисдан Президентимиз томонидан имзоланган “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция талабларини ҳар томонлама ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида назарда тутилган болаларнинг ҳуқуқларини амалда кафолатлаш, уларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий етук авлод бўлиб етишишини таъминлаш йўлида ташланган катта қадам бўлди.

Қарорда болаларнинг давлат органларига қилган мурожаатларини тўлиқ қўриб чиқиш кафолатланиши ва бола тўлиқ муомала лаёқатига эга эмаслиги вақтлари билан бу турдаги мурожаатларни кўр-

масдан қолдиришга йўл қўйилмаслиги алоҳида белгилаб қўйилди. Шунингдек, 14 ёшга тўлган бола ўзининг таъминоти учун ота ёки онадан ёхуд айрим ҳолларда бир вақтнинг ўзида ота-онанинг ҳар иккаласидан ҳам қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатишга ҳақлиги қайд этилди. Ушбу ўзгаришлар мамлакатимизда бола ҳуқуқларини тўла таъминлаш билан бирга суд органларига ҳам қўшимча масъулият юклаши табиий.

Шунингдек, болаларни ҳимоя қилиш мақсадида судларга ариза билан мурожаат қилган даъвогар давлат бож ва бошқа тўловларни тўлашдан озод қилиниши юқоридagi нормаларни ҳаётга татбиқ этишда юзага келадиган кўплаб муаммоларнинг олди олинishiга ва уларнинг тўғридан-тўғри ишлатилиши таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, оилада боланинг манфаатлари ҳимоя тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, суд муҳокама си ёки маъмурий муҳокама даврида бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақлиги қатъий белгилади. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли органлар боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда оқилона ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, жиддий омил сифатида қўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиши шарт эканлиги белгилангани бола ўз келажакини ўзи белгилаш ҳуқуқига тўла эгаллигини кўрсатади.

Дарҳақиқат, инсон ҳуқуқлари, мамлакат келажакимиз асоси ҳисобланган бола ҳуқуқлари масаласи битта ёки иккита муассаса фаолияти саъй-ҳаракати билангина таъминланадиган бўлмайди. Мамлакат эртасининг бугунидан яхшироқ бўлиши учун барча бирдек ҳаракат қилиши, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, аввало, бола ҳуқуқларини таъминлашдан бошланишини тўлиқ англоғимиз лозим. Шундагина қудратли ва буюк Ўзбекистонни барпо этишга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

**Нилуфар ТўРАЕВА,  
Сурхондарё вилоят судининг судьяси**

## ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК!



**Бола ҳуқуқлари умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилиб, бу дунё цивилизациясининг глобал муаммоларидан бири ҳисобланиши барчамизга яхши маълум. Бу муаммоларни ўз вақтида ҳал этилишидан нафақат бир давлат ёки жамият, балки бутун жаҳон ҳамжамияти манфаатдордир. Бола ҳуқуқларини тўлақонли таъминланиши барқарор ривожланиш, халқаро ўртасида тинчлик ва ҳавфсизликнинг муҳим омили ҳисобланади.**

Маълумки, ҳамма давр ва замонларда давлат ва жамият олдида турган энг муҳим, устувор вазифа сифатида вояга етаётган ёш авлодга таълим, тарбия бериш, камол топтириш, уларнинг қалбида, юрагида ўз Ватанига муҳаббат, умуминсоний ва миллий қадриятларга, қонунларга ҳурмат, итоқдорлик руҳини шакллантиришдан иборат бўлган. Ўз ичидида давлат олдида болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун ҳужжатларини тўла-тўқис яратиш, ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш билан бирга унинг мукамал, сифатли ижросини таъминловчи асосларни яратиш каби вазифа туради.

Ҳар қандай давлатнинг буюк келажак бугунги кун ёшларининг, фарзандларнинг маънавий қиёфасига, уларнинг жисмоний камолоти ва ахлоқий хусусиятларига чамбарчас боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, уларнинг қонун билан муҳофаза этилган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий маданиятларини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликлар тарихига назар ташласак, аввало 1924 йилда Женева декларацияси қабул қилинган бўлиб, 1959 йил 10 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Бола ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинганлигини олоҳида таъкидлаш ўтиш лозим. Бежиз, мазкур Қонунда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мувофиқ ҳар бир болага инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама кенгайтириш ва уларни ҳимоялашнинг қонунда аниқ ва равшан қилиб белгилаб қўйилиши мамлакатимиз тарихида биринчи марта тўла тўқис, ҳар бир жиҳатга алоҳида ёндашилган ҳолда амалга оширилганлигини олоҳида таъкидлаш ўтиш лозим.

Бола ҳуқуқлари Декларациясига кўра 18 ёшга тўлмаган ҳар бир инсон, агар болаларга нисбатан қўлланиладиган қонун талабларига кўра у эртароқ баалоғатга етмаган бўлса, бола ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Бу қонун нормаси таъсир доирасида бўлган ҳар бир ёш ирқи, тана ранги, жинси, этники, миллати ва моддий аҳолидан қатъий назар, ҳеч қандай камситишларсиз, уларнинг

бузилган ҳар қандай ҳуқуқларини тўла тикланиши шартлиги асосий эътибор қаратилиши лозимлиги белгиланган.

Бола ҳуқуқларига доир миллий қонунчилигимизни шакллантиришда умумэтироф этилган ҳуқуқ нормалари ҳамда миллий ўзига хослик инobatга олинганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 43-моддасида давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаши белгиланган бўлса, 45-моддасида алоҳида тарзда вояга етмаган, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги эътироф этилган. Шунингдек, бола ҳуқуқлари муҳофазасига оид 2008 йилнинг 7 январь куни қабул қилинган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича қонунчиликнинг янада кучайтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, фуқароларда Конституция ва қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳини шакллантиришнинг етарли даражасида амалга ошириш мамлакат таракқиётининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Яна бир жиҳатни эътиборга олсак, албатта, вояга етмаган фарзандларимизни маънавий баркамол, етук инсон сифатида етиштириш учун уларни тарбиялашда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, мафкура, тафаккуримиз, ўлмас тарихимиз ҳамда аждодлардан қолган бой маънавий меросимизга таяниб иш қўришимиз, фарзандларимизга жамиятдаги ўрни, ҳуқуқ ва манфаатлари билан бирга уларнинг бурчлари, вазифалари нималардан иборат эканлигини уқтириб боришимиз катта аҳамият касб этади.

Бу борада болалар вояга етаётган оила ва ундаги маънавий муҳит уларни вояга етишларида устувор жиҳат ҳисобланади. Оиладаги соғлом муҳит, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясига бўлган эътибори бола тарбияси ва унинг ҳуқуқ

шакллантириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш мақсадида давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, бунда муҳим вазифа вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликни олдини олиш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақонли ҳимоясини таъминлашдан иборатдир. Мамлакатимизда бу борада ҳуқуқий асослар тўлиқ яратилган бўлиб, энг асосий масала қонун ҳужжатлари ижросини сифатли ва самарали таъминлаш қолган ҳолос.

Бола ҳуқуқларига оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда бизнинг назаримизда, энг аввало, болалар ҳуқуқий онгини ривожлантириш мақсадида мактабга таълим ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида, қўйинги, барча таълим муассасаларида ёшлар ҳаракатлари, тажрибали ҳуқуқшунослар, педагог тарбиячиларини ҳамда суд, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ходимларини беvosита жалб қилган ҳолда ҳуқуқий тарғибот, амалий ва назарий дарс машғулотларни мунтазам равишда олиб борилиши масаланинг энг муҳим бўлган жиҳатдир.

Бунинг зарурият эканлиги ёшлар ўртасида айнан Конституциясини ва у орқали қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларини ўрганиш ишларини янада кучайтиришимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, фуқароларда Конституция ва қонун ҳужжатларига ҳурмат руҳини шакллантиришнинг етарли даражасида амалга ошириш мамлакат таракқиётининг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Яна бир жиҳатни эътиборга олсак, албатта, вояга етмаган фарзандларимизни маънавий баркамол, етук инсон сифатида етиштириш учун уларни тарбиялашда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, мафкура, тафаккуримиз, ўлмас тарихимиз ҳамда аждодлардан қолган бой маънавий меросимизга таяниб иш қўришимиз, фарзандларимизга жамиятдаги ўрни, ҳуқуқ ва манфаатлари билан бирга уларнинг бурчлари, вазифалари нималардан иборат эканлигини уқтириб боришимиз катта аҳамият касб этади.

Бу борада болалар вояга етаётган оила ва ундаги маънавий муҳит уларни вояга етишларида устувор жиҳат ҳисобланади. Оиладаги соғлом муҳит, ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясига бўлган эътибори бола тарбияси ва унинг ҳуқуқ

ва манфаатларини таъминлашида ўзининг муҳим ўрнига эга.

Қузатишлар шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка мойиллиги бор бўлган болаларни турмуш ва тарбияланиш ҳолатлари ўрганилганда, асосий камчилик ва хатолик уни тарбия қилаётган ота-оналар ва оиладаги носоғлом муҳитга бориб тақалмоқда. Болага эътиборсизлик ўнглаб бўлмас даражада оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги, афсуски ҳаётда ўз исботини топган салбий ҳолат бўлиб қолмоқда.

Бу борада болаларни қаровсиз қолиши, тарбияга муҳтожлиги, етарли даражада таъминот олмаслиги, таълим олишга рағбатни йўқлиги охир оқибатда вояга етиб келаятган шахсни оиласига, таълим муассасасига, атрофдагиларга ва албатта жамият, унда ўрнатилган тартиб таомилларга қаршилик, унга итоат этмаслик руҳини шаклланмаслигига ҳеч биримиз қафолат бера олмаيمиз.

Бугунги ёшлар тарбиясида яна бир ҳолатга ота-оналаримиз, мутасаддилар ва бутун жамоатчилик бефарқ бўлиши керак эмас. Гап Европа халқларининг урф-одатлари, одоб-ахлоқ нормалари тўғрисида кетмоқда. Бугун болалар ва ёшларнинг ушбу урф-одатлар ва ахлоқ нормаларини табиий ҳолат сифатида қабул қилиши, унга амал қилиши, ушбу маънавий хусусиятлардан тубдан фарқ қилувчи, миллатимиз ва ўзлимизга хос бўлган андиша, иймон-этиқоқ, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик каби миллий ўзига хослигимиз фарзандларимизда ўз ифодасини топишга жуда катта салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги бир эмас.

Ҳаётга, келажакка катта-катта умидлар билан кириб келаятган ёшларимиз ҳаётда ҳар қандай кўринишдаги салбий ҳолатларни, воқеъиликларни олдини олиш, бартараф этишда энг самарали усул, бизнинг назаримизда, таълим муассасаларида, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий мавзуларда ҳуқуқий тарғиботларни янада жадаллаштириш, тадбирларда мутахассислар иштирокини мунтазам таъминлаш, ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича таълим муассасаларида ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадга мувофиқдир.

**Р.РАШИДОВ,  
Тошкент шаҳар судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати судьяси**

” Инсон қадрини улуғлаш — юртимизда яшаётган ҳар бир одамнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш демакдир. Бу борада жамиятимиз асоси бўлган маҳалла ҳал қилувчи ўрин тутади.

## БУЮК ТАРИҚАТ АСОСЧИСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йил Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида” шу йилнинг 21 февралда қабул қилинган ПҚ-68-сон қарорига 1-илова тарзида тасдиқланган “2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамининг ғоявий-бадий концепцияси”да, жумладан, Наврўз фасли — март ойида халқимизнинг улуғ намояндалари бўлган машҳур сиймолар таваллуд айёмларини байрам шодиёналари билан ҳамроҳанг ҳолда ўтказиш ҳам тарбиявий нуқтаи назардан катта таъсир кучига эга бўлиши алоҳида таъкидланган. Бу улуғ сиймолар рўйхатида Хожа Абдуллоҳиқ Фиждудонийнинг табаррук номи ҳам қайд этилган эди.**

### Этироф ва эътибор

Қадимий Мовароуннахр замини тасаввуф бешикларидан бири ҳисобланади. Зеро, халқимиз турмуш тарзи, маданияти ва ижтимоий-фалсафий қарашларига катта таъсир ўтказган тасаввуф аждодларимизнинг диний эътиқодидан тортиб ижодий фаолиятининг барча қирраларигача бўлган соҳалар, жумладан, илм-фан, адабиёт ва санъатда у ёки бу даражада ўз аксини топди.

VIII-XI асрларда ислом оламнинг бошқа йирик марказлари қатори Марказий Осиёда ҳам сўфийлик ҳаракати илдири отиб, тасаввуфнинг назарий ва амалий асослари шаклланди. XII асрдан бошлаб эса бу ўлкада кейинчалик бутун ислом дунёсида донг таратган яссавия, хожалар-нақшбандия, кубравия, ишқия каби сўфийлик тарикатлари вужудга келди. Булар орасида ислом оламида биринчилардан бўлиб вужудга келган энг қадимий ва кўп мамлакатларга тарқалган энг нуфузли тарикатлардан бири сифатида донг таратган хожалар-нақшбандия тарикати ўзининг таркидунёчиликни қораловчи, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварликни тарғиб этувчи илгор таълимоти билан ажралиб туради.

Мустақиллик йилларида бутун ўтмиш меросимиз қаторида хожалар-нақшбандия тарикати таълимоти, ушбу тарикат намояндалари ҳаётини ўрганиш ва халқимизга етказиш борасида катта ишлар қилинди. Жумладан, 1993 йили Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллиги, 2003 йилда Абдуллоҳиқ Фиждудонийнинг 900 йиллиги, 2004 йилда эса Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги халқаро даражада кенг нишонланди. 2004 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Баҳоуддин Нақшбанд ёдгорлик мажмуаси марказини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 2008 йилдан эътиборан ана шу марказ муассислигида “Нақшбандия” илмий-ирфоний, адабий-маърифий уч ойлик журнали нашр этиб келинапти.


Мамлакатимиз тарихий тараққиётининг янги босқичида Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг маънавий меросимиз, жумладан, аждодларимиз ҳаёти ва таълимотига бўлган эътибор янада кучайди.

Хожалар-нақшбандия тарикати асосчилари — Абдуллоҳиқ Фиждудоний ва Баҳоуддин Нақшбандларнинг навбатдаги юбилейларини ўтказишга тайёргарликнинг бошланиши бу борада қўйилган муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 11 июлида чиқарилган “Абдуллоҳиқ Фиждудоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисидаги” Ф-4988 сонли фармойишида Абдуллоҳиқ Фиждудоний таваллудининг 915 йиллигини ва Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 700 йиллигини кенг миқёсда нишонлаш кўзда тутилган. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида эса етти пирдан мерос қолган асарлар, улар ҳақида яратилган китобларни ўзбек тилига илмий-изоҳли таржима қилиш, ушбу манбаларнинг илмий-танқидий матнларини тайёрлаш бўйича чоратдбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, хожалар-нақшбандия тарикати манбаларини илмий-изоҳли таржима қилиш, тадқиқ ва нашр этиш, хожалар-нақшбандия тарикати ҳақида тадқиқот материаллари чоп этиш режалаштирилган бўлиб, бу манба ва тадқиқотларнинг аксарияти нашр этилди. Буларнинг барчаси юртимиз тасаввуфи, жумладан, хожалар-нақшбандия тарикати таълимотини ўрганиш, ушбу тарикат намояндалари ҳаёти ва ижодини тадқиқ этишда катта имкониятлар яратиб бериши шубҳасиз.

### Ҳаёти ва фаолияти

Буюк сўфий ва мутафаккир, хожалар-нақшбандия тарикати асосчиси, хожалар-нақшбандиянинг биринчи пирини, “Хожайи жаҳон” (“Жаҳон эгаси”) лақаби билан машҳур бўлган Хожа Абдуллоҳиқ ибн Абдулжамил Фиждудоний 1103 йили Бухоро яқинидаги Фиждудон шаҳарчасида дунёга келган.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Абдуллоҳиқ Фиждудонийнинг отаси, “ўз даврининг муқаддаси, зоҳир ва ботин илмларини эгаллаган” фақиҳ, сўфийна ҳаёт кечирувчи Абдулжамил Имом Молик ибн Анас (713-795) авлодларидан, онаси эса Рум подшосининг қизи бўлиб, Рум мамлакатининг Малатия шаҳри атрофида яшашган. “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний” асарида келтирилган қиссага кўра, Абдулжамил бир юз ўн уч ёшида ҳам фарзандсиз бўлиб, Худодан бир фарзанд тилаб юрган чоғларида тахтдан ағдарилиб, душманларидан қочиб юрган Малатия подшоҳи унга учраб қолади-да, унинг маслаҳатлари ва ёрдами билан тахтини қайтариб олади. Подшоҳ бунинг эвазига ўз қизини ушбу уламога турмушга беради. Натижада Аллоҳ уларга ўғил фарзанд ато этади. “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” муаллифининг ёзишича, Абдулжамил Ҳазрат Хизр (а.с.) билан суҳбатдош бўлган ва Хизр (а.с.) унга Хожанинг дунёга келишини башорат қилиб, унга



лини йўққа чиқаради. Шунга кўра, Абдуллоҳиқ Фиждудоний онасининг отаси (яъни, Фиждудонийнинг она томонидан бобоси) Румнинг салжуқий султони Қилич Арслон I бўлганлигини тахмин қилиш мумкин. Зеро, биринчидан, Қилич Арслон I нинг отаси, Кўния султони асосчиси, 1077—1086 йиллари хукмронлик қилган Султон Сулаймон I вафотидан сўнг шахзодалар лашкарбошилар томонидан ҳибсга олинди-дилар ёки қувғин қилинадилар. Натижада бир неча йил давомида давлатда бошбошдоқлик ҳукм суради. Тахт вориси Қилич Арслон I олти йилдан сўнггина — 1092 йили ўзига тарафдор кучлар ёрдами билан хукмронлик қўлга олишга муяссар бўлади. У ўз хукмронлик даврида юнонларнинг Византия ва туркманларнинг Донишман-дийлар давлатлари ҳамда солиб юришчиларига қарши тинимсиз урушлар олиб бориш асосида бир неча бор муҳим макъа ва аҳамиятга эга бўлган Малатия шаҳрини қўлдан бериб, яна қайтадан қўлга киритади. Жумладан, у сўнгги бор 1105 йили Малатияни Донишмандийлар давлатини

кинчи томондан, у ўша пайтда нафақат сиёсий жиҳатдан тинч ва барқарор бўлган, балки, ислом дини ва тасаввуфнинг йирик марказларидан бири ҳисобланган Марказий Осиёга кўчиб борган. Зеро, IX асрдаёқ ислом илмларининг йирик марказига айланиб улгурган Бухоро ўша пайтдан бошлаб ҳадис ва фикҳ илмлари билан биргаликда сўфийлик илми ва амалиётини ўрганиши истовчиларни ҳам ўзига жалб қилиб келган. Хожалар-нақшбандия шайхларининг илк устози Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳам худди ана шу сабаблар туфайли ўз сўфийна қарашлари ва таълимотини ёйиш учун туғилиб-ўсган ватани Эрон (Ҳамадон шаҳри) ёки таълим олган макони Ироқ (Бағдод шаҳри)ни эмас, айнан Марказий Осиёни танлаган бўлиши мумкин. Бундан ташқари, “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”да Мовароуннахр ва Хуросондаги Салжуқийлар давлати ҳукмдори Султон Санжар ибн Маликшоҳнинг (1097-1153) Юсуф Ҳамадонийга бўлган юксак эҳтироми ва иродати тўғрисида сўз боради. Шунга кўра, Юсуф Ҳамадоний каби Абдулжамилнинг ҳам Марказий Осиёга келиб қолишида мазкур салжуқий хукмдорнинг уламолар ва сўфийларга бўлган алоҳида эътибори муайян роль ўйнаган бўлиши мумкин. Шу ўринда “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” муаллифи томонидан Абдуллоҳиқ Фиждудонийнинг имом сифатида ҳам машҳур бўлган отаси Абдулжамилнинг форсча услубда тузилган “Имоми Абдулжамил” бирикмаси билан эмас, балки туркча услубда тузилган сўз бирикмаси — “Абдулжамил Имом” кўринишида эслатилиши ҳам унинг биринчи навбатда туркий тилда сўзлашувчи аҳоли, доиралар ва хукмдорлар орасида эътиборли имом ва уламо сифатида танилганини кўрсатади.

Манбалар Абдулжамил Имомнинг Фиждудондаги ҳаёти тўғрисида бирор бир маълумот бермайди. Ҳали Малатиядалик чоғидеяк анчагина ёшга бориб қолган бу уламо Мовароуннахрга кўчиб келганидан кейин унча ҳам кўп яшамаган кўринади. Чунки манбаларда ёш Абдуллоҳиқнинг бош-лаб ўз уйида — ўз даврининг машҳур уламоларидан бўлган отасидан таълим олганлиги тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган.



Абдуллоҳиқ деб ном қўйишни маслаҳат берган.

Манбаларда Фиждудонийнинг онаси Рум подшосининг қизи бўлганлиги эслатилади. “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”даги қиссада эслатилган Малатия подшоҳи билан боғлиқ воқеалар юз берган давр — XI аср охирилари — XII аср бошларида бугунги Туркия мамлакатининг марказий ва шарқий худудларидан туркий халқларнинг Кўния султони (Рум султони, Рум Салжуқийлари султони) мавжуд бўлган. Тарихдан маълум бўлишича, кўзда тутилган даврда ушбу давлатда икки салжуқий хукмдор — Қилич Арслон I (1092-1107 йиллари) ва Маликшоҳ I (1107-1116 йиллари) хукмронлик қилган бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи Малатия шаҳри учун курашлар олиб боришган. Бироқ Маликшоҳ I нинг бор-йўғи йигирма бир йил умр кўрганлиги уни ўз қизини Абдулжамилга турмушга берган Рум подшоҳи бўлганлиги эҳтимо-

қайтариб олади-да, уни ўз давлатининг пойтахtiga айлантаради.

“Рашаҳот айн ал-ҳаёт”да келтирилишича, Рум султони кизига уйлانган уламо Абдулжамил замона воқеалари сабабли ўз яқинлари билан Румдан Мовароуннахрга келиб қолади ва Бухоро яқинидаги Фиждудондан маскан топади. Абдуллоҳиқ ана шу ерда дунёга келади. Бу ўринда Абдулжамилнинг ўз оиласи билан Мовароуннахрга кўчиб келишига сабаб бўлган “замона воқеалари” деганда ўша даврда Кўния султонидаги мураккаб сиёсий вазият кўзда тутилганлигини тахмин қилиш мумкин. Бироқ сўфийна ҳаёт кечирувчи фақиҳ Абдулжамилнинг ўша пайтда нотинчлик ҳоқим бўлган ўз она юрти Румдан бошқа бирор ўлкага эмас, балки айнан Мовароуннахрга кўчиб келиши диққатни тортади. Ушбу кўчиш икки жиҳатга эга бўлиб, бир томондан, Абдулжамил нотинч юрти Румдан кўчиб кетган бўлса, ик-

Абдуллоҳиқ бошланғич таълимни Фиждудонда олиб, тўққиз ёшида Қуръонни ёд олади, ўн ёшидан бошлаб эса сўфийларнинг зикр мажлисларида иштирок эта бошлайди. Фахриддин Али Сафийнинг ёзишича, Абдуллоҳиқ ҳали ёш бўлган чоғларидаёқ Бухоро шаҳрига бориб, илм ўрганишга киришади. Мазкур муаллиф унинг илк устозларидан бири сифатида “ўз даврининг улуғ олимларидан бўлмиш” Имом Садриддинни эслатади. Ёш Абдуллоҳиқда сўфийликка бўлган қизиқиш ва сўфийна турмуш тарзини тутишга бўлган интилиш унинг ана шу устоз — Имом Садриддин қўлида таълим олиб юрган чоғларида янада ёрқинроқ намоён бўлади. “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”да келтирилишича, Абдуллоҳиқ тафсир дарсларининг бирида устози Имом Садриддиндан “Рабингизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилингиз! Зеро, У [дуода ва бошқада] ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди” оятидаги “хуфёна дуо қилиш”

маъноси тўғрисида сўраб: “Банда баланд овозда дуо ёки зикр қилганида бу нарса бошқаларга маълум бўлиб, ҳаддан ошиш ҳисобланса, ичида дуо ёки зикр қилганида эса шайтон ундан воқиф бўлиб, унга халал берса, унда нима қилиш керак?”, деган маънода савол берганида устози бунга жавоб беришдан ожиз қолиб: “Бу ладуний илмдир. Ҳақ таоло хоҳласа, орифлардан бўлган бирор киши сенга учраб, бу борада йўл кўрсатади”, дейди. Абдуллоҳиқ шундай кишини кутиб яшайди ва ниҳоят бир куни Хизр (а.с.) унга учрайди.

Манбада келтирилишича, ушбу учрашув куйидагича юз беради: Абдуллоҳиқ жума кунларидан бирида ўз боғининг эшиги олдига ўтирганида бир қария киёфасидаги Хизр (а.с.) унинг олдига келиб, ундан: “Бирор устозга шоғирд тушганмисан?”, деб сўрайди-да, ундан: “Анчадан буён шундай устоз излаб юрибман”, деган жавобни олган, уни фарзандликка қабул қилганлигини, бундан буён унга ўзи таълим беришини маълум қилади. “Насойим ул-муҳаббат” асарларида келтирилишича, Абдуллоҳиқ бу таклифи қабул қилган, Хизр (а.с.) унга ховузга шўнғиб, кўнгилда иймон калимасини такрорлашни буюради. Абдуллоҳиқ шундай қилиб, шу сабоқни олади ва кейин ҳам шунга амал қилади. “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” муаллифи Ҳазрат Хизр (а.с.)нинг шу йўсинда Абдуллоҳиққа вуқуфи ададийни талқин қилганлигини ёзади. Манбалар шу тарихга Хизр (а.с.) Абдуллоҳиқнинг сабоқ (алоҳида дарслар бериш) усулида таълим берувчи устозига айланганлигини, унинг навбатдаги устози — суҳбат (доимо бирга бўлиш) усулида таълим берган ва хирқа кийгизган пирин эса Хожа Юсуф Ҳамадоний бўлганлигини таъкидлашади.

Абдуллоҳиқ йигирма икки ёшга тулганида Хизр (а.с.) уни Ҳамадонга Шайх Юсуф Ҳамадоний хузурига олиб боради ва Шайх унга кўнгил зикрини талқин этади. Шунда Хизр (а.с.) Юсуф Ҳамадонийга Самарқандга бориши кераклигини айтади. Шундан сўнг Юсуф Ҳамадоний ўзининг ўн бир муриди, жумладан, Абдуллоҳиқ Фиждудоний билан биргаликда Ҳамадондан Самарқандга келади. “Матлаб ут-толибин” муаллифи ҳам Абдуллоҳиқнинг Хизр (а.с.) томонидан Юсуф Ҳамадоний хузурига олиб борилганлиги тўғрисида ёзар экан, Фиждудонийнинг Юсуф Ҳамадоний Мовароуннахрга келганига қадар унинг хизматида бўлганлиги, Мовароуннахрга келганидан сўнг эса Фиждудонда кўнмин топганлигини айтади. “Маслак ал-орифин” (“Орифлар маслағи”) асарида эса Абдуллоҳиқнинг Юсуф Ҳамадоний билан илк учрашуви Марв шаҳрида юз берганлиги тўғрисида сўз боради. Бироқ Фиждудоний тўғрисида маълумот берувчи асосий муаллифлар — Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фазлуллоҳ ибн Рўзбехон ва Фахриддин Али Сафийлар ушбу учрашувнинг Бухоро шаҳрида рўй берганини таъкидлашади. Мазкур муаллифларнинг ёзишларича, Абдуллоҳиқ Фиждудоний йигирма икки ёшида ўз таълимотини ёйиш ва шоғирдлар тарбиялаш мақсадида Бухоро шаҳрига келган Хожа Юсуф Ҳамадоний билан учрашиб, унинг муридига айланади.

Абдуллоҳиқ Фиждудоний йигирма икки ёшида тасаввуф шайхи Юсуф Ҳамадонийни ўзига пир тутиб, унинг муридларидан бирига айланади ва унинг муридлигида сўфийлик йўлига қадам қўяди. Ҳамадоний Хизр (а.с.) тавсияси билан Абдуллоҳиққа кўнгил зикрини ўргатади. Бироқ Жомий Абдуллоҳиқ Юсуф Ҳамадоний билан учрашгандан кейингина унинг ҳам кўнгил зикрини тутишидан хабардор бўлганини ёзади. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Абдуллоҳиқ Фиждудоний Юсуф Ҳамадоний Мовароуннахрда бўлган даврида унинг хизматида бўлиб, ундан тарикат сирларини ўрганган. Бироқ “Рашаҳот айн ал-ҳаёт”да маълум қилинишича, Хожа Юсуф Ҳамадоний ва унинг машойихлари ошқора зикрини тутган бўлсалар-да, Хожа Абдуллоҳиқ Фиждудоний Хожа Хизр (а.с.)дан яширин зикр талқинини олганлиги сабабли яширин зикрга буюрилди, Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳам уни ўзгартирмасдан, “ул зотдан қандай кўрсатма олган бўлсангиз, шундай қилинг”, деб буюради. Абдуллоҳиқ Фиждудоний ўзидан кейин ҳам зикрини яширин шаклда олиб боришни тавсия қилиб, ушбу услубни афзал ва шариатга мувофиқроқ деб қўллагандан кейин яширин зикр хожалар силсиласи ва хожалар-нақшбандия тарикатининг асосларидан бирига айланади.

Юсуф Ҳамадоний Мовароуннахрдан Хуросонга кетганидан сўнг Абдуллоҳиқ Фиждудоний бир муддат риёзатга берилиб, нафс тарбияси билан шуғулланади ва натижада қароматлар кўрсатувчи валий даражасига етишади, бироқ ўз валийлиги ва қароматларини бошқалардан яширади.

## 6 МОҲИЯТ

“Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактабини ўтаган навқирон ўғлонларимиз ишончли таянч ва суянч бўлиб хизмат қилади.

## БУЮК ТАРИҚАТ АСОСЧИСИ

(Давоми. Бошланиши  
5-бетда.)

Абдуллоҳиқ Гиждувоний ҳаётининг кейинги босқичи бевосита хожагон силсиласи раҳбарлигини амалга ошириш билан боғлиқдир. Манбаларда келтирилишича, Хожа Юсуф Ҳамадоний ўлимидан олдин ўзидан кейин унинг ўрнига Хожа Абдуллоҳ Баракий, ундан кейин Хожа Ҳасан Андақий, ундан сўнг Хожа Аҳмад Яссавий ўринбосар бўлиши, Хожа Аҳмад Туркистонга кетгач эса унинг ўрнини Абдуллоҳиқ Гиждувоний эгаллаши лозимлигини васият қилади. Ҳамадонийнинг васиятига мувофиқ Хожа Аҳмад Яссавий маълум муддат Бухорода тариқат раҳбарлигини амалга оширгач, илоҳий ишорат билан Туркистонга кетар чоғи барча муридларини Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийга топшириб кетади. Шундан сўнг Гиждувоний тариқат раҳбарлигини ўз зиммасига олиб, шогирдлар тарбиялаш ва уларга устозлик қилиш билан шуғулланади. “Рашахот айн ал-ҳаёт” муаллифи бу тўғрида ёзади: “[Ул ҳазрат] бир қанча вақт халқни иршод ва даъват этиш (тўғри йўлга чорлаш ва йўллаш) мақомида қаттиқ туриб, толиблар ва содиқларга ҳақ йўлини кўрсатишга машғул бўлдилар”.

Манбаларда Абдуллоҳиқ Гиждувоний таълимотининг Мовароуннаҳрдан анча узоқда жойлашган Шом ўлкасида ёйилиши тўғрисида ҳам сўз боради. Жумладан, уларда келтирилишича, Шомда кўплаб кишилар Гиждувонийга мурид тушишади, улар ушбу ўлкада ўз пирлари таълимотларини ёйиш учун хонақоҳлар барпо этишади. Хожагон-нақшбандия тариқатининг суриялик издоши Абдулмажид Хоний эса “Ҳадоийк ал-вардия” асарида Гиждувонийнинг ҳатто бир муддат Шомга бориб яшагани, ушбу ўлкада ўз таълимотини ёйиш учун хонақоҳ барпо этгани ҳамда у ерда кўплаб муридлар тўплаганини ёзади. “Орифнома” асарида Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг бир марта уч йиллик ҳаж сафарига кетганлиги, бу муддатда унинг кўрсатмасига кўра шогирди Хожа Муҳаммад Ориф Ревгарий тариқат раҳбарлигини амалга оширганлиги тўғрисида маълумот келтирилади. Гиждувоний ҳаётининг сўнгги йилларида амалга оширилганлигини тахмин қилиш мумкин бўлган ана шу сафар давомида унинг Шом ўлкасига бориб, маълум муддат у ерда яшаганлиги ва шу аснода хонақоҳ очиб, ўз таълимотини ёйишга ҳаракат қилганлигини ҳам эхтимолдан узоқ тўтиб бўлмайд.

Абдуллоҳиқ Гиждувоний тахминан 1179 йили ўзи турғилиб ўсган Гиждувон шаҳарчасида оламдан ўтади ва ана шу ерда дафн этилади.

#### Асарлари

Абдуллоҳиқ Гиждувоний ўзидан ҳажман кичик ҳолдан бир неча асар қолдирган бўлиб, уларда хожагон-нақшбандия тари-

қатининг Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган давридаги — хожагония босқичидаги назарий асослари, жумладан, ўн бир қоидадан саккизтаси, сўфийлик мақомлари ва ҳоллари ҳамда ушбу тариқатдаги сўфийлар риоя қилиши лозим бўлган шартлар ва одоб-ахлоқ мезонлари баён этилган. Мазкур асарлар куйидагилардан иборат:

1. “Мақомоти Хожа Юсуф Ҳамадоний” (“Хожа Юсуф Ҳамадоний мақомлари”), “Рисолаи Соҳибия” (“Соҳибия рисоласи”) деб ҳам аталувчи ушбу асар биринчи навбатда Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг устози Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг ҳаёти, фаолияти ва гоёларига бағишланган бўлса-да, унда Гиждувонийнинг насаби, таваллуди, ҳаёти ва фаолияти, жумладан, тасаввуф йўлига кириб, Ҳамадонийга шогирд тушиши тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган.


2. “Одоби тариқат” (“Тариқат одоблари”). “Васиятнома” ва “Рисолаи васое” (“Васиятлар рисоласи”) номлари билан ҳам машҳур бўлган бу асар Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг Хожа Авлиёи Кабир номи билан машҳур бўлган ўз шогирди атаб ёзган насихатномаси бўлиб, унда сўфийлик тариқатида бўлиш одоблари баён этилган.

3. “Аз гуфтори Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний” (“Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг айтганларидан”). Номаълум муаллиф томонидан тартиб берилган ушбу асарда Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг тариқат босқичлари ва шартлари тўғрисида айтганлари баён этилган.

4. Рубоийлар. Абдуллоҳиқ Гиждувоний гўзал сўфиёна рубоийлар муаллифи сифатида ҳам машҳур бўлса-да, уларнинг жудаям оз қисми — 15 та рубоий бошқа муаллифларнинг асарлари, жумладан, “Мақомоти Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний ва Хожа Ориф Ревгарий”, “Тазирайи нақшбандия” таъкирлари ва бошқа асарлар таркибиде бизгача етиб келган.

#### Таълимоти

Гарчи Хожа Юсуф Ҳамадоний кўплаб шогирдлар тарбиялаган ҳамда улардан юқорида эслатиб ўтилган тўрттаси — мазкур силсилага кетма-кет раҳбарлик қилган Андақий, Баракий, Яссавий ва Гиждувонийлар унинг асосий издошлари ҳисобланган бўлсалар-да, илк икки шогирддан кейин силсила раҳбарлигини ўз зиммасига олган Яссавий ва Гиждувонийларгина хожагон таълимотини ривожлантириб, мазкур силсилани сўфийлик тариқатида айлантиришга, яъни ўз мустақил тариқатларига — хожагон-нақшбандия ҳамда асли хожагон силсиласидан индис олган яссавия тариқатларига асос солишга муваффақ бўлдилар. Хожагон-нақшбандия тариқати манбалари ҳам айнан Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийнинг мазкур тариқат асосчиси эканлигини таъкидлайдилар. Жумладан, ушбу тариқат назариётчиси Хожа Муҳаммад Порсо ўзининг “Фасл ал-хитоб” асарида “Ул ҳазрат-



нинг (сўфийлик фаолияти) тарзи (бутун) тариқат учун қонун бўлиб, барча (сўфийлик) тариқатлари томонидан маъқуллангандир”, дея айнан Гиждувонийнинг сўфийлик фаолияти хожагон-нақшбандия тариқати таълимоти учун асос бўлганини таъкидласа, “Рашахот айн ал-ҳаёт” муаллифи Гиждувонийни “хожагон занжирининг бош ҳалқаси”, “хожагон табақасининг асосчиси ва ушбу улуглар силсиласининг бошловчиси” деб таништириш орқали унинг ушбу тариқат асосчиси ва илк пири эканлигини эслатади.

Дарҳақиқат, Абдуллоҳиқ Гиждувоний ўз асарлари ва ваъз йигинларида ҳамда шахсий сўфийлик амалиёти мисолида хожагон-нақшбандия тариқатининг қуйидаги назарий ва амалий асосларини яратиб берди:

Шариат ва суннатга қаттиқ риоя қилиш. Тасаввуф пайдо бўлган илк даврлардан бошлаб сўфийлар тасаввуфнинг ислом шариатида мувофиқлигини таъкидлаб келишган. Жумладан, Марказий Осие тасаввуф мактабининг йирик вакиллари, Бухоро сўфийлик муҳитидан етишиб чиққан йирик тасаввуф назариётчилари Абу Бакр Калободий (917-995) ва Мустамлиқ Бухорийлар (ваф. 1043) сўфийлик йўлининг айнан шариатдан бошланганига урғу бериб ўтганлар. Хожагон-нақшбандия тариқати пирларининг устози Хожа Юсуф Ҳамадоний ҳам “Тўғри йўл Аллоҳнинг расули Ҳазрат Муҳаммад (с.а.в.) йўлидир”, дея шариатга риоя қилиш сўфийликнинг илк шартли эканлигига ишора қилган. Айтиб ўтиш лозимки, ушбу таъкидлардан мақсад, бир томондан, тасаввуфнинг шариатга мувофиқлигига бўлган шубҳаларнинг асосизлигини кўрсатиш, иккинчи томондан,

ҳақиқатдан ҳам шариатга хилоф иш тутувчи сохта сўфийларнинг ҳақиқий тасаввуфга алоқаси йўқлигини маълум қилиш бўлган.

Абдуллоҳиқ Гиждувоний ҳам ўтмиш сўфийлари ҳамда ўз устози йўлидан бориб, тасаввуфнинг ислом шариатига мувофиқлигини таъкидлаш мақсадида ўз издошларини шариат ва суннатга қаттиқ риоя қилишга, шунинг билан бир замонда сохта сўфийлардан узоқ бўлишга қақирган. Хожа Муҳаммад Порсо ҳам Гиждувоний таълимоти Мустафого (с.а.в.) шариати ва суннатига, аҳли суннат ва жамоат этиқоидига мувофиқлигини таъкидлаган.

Тасаввуф мақомлари. Тасаввуфнинг илк даврларидан бошлаб сайру сулуқнинг — сўфийнинг ўз мақсадига етиш учун босиб ўтадиган йўлининг босқичлари — мақомларнинг турлари, сони ва кетма-кетлиги борасида турлича қарашлар билдирилган бўлиб, турли даврларда яшаган турли сўфийлар сайру сулуқда уч, тўрт, етти, тўққиз, қирқ, юз ва ҳатто мингта мақом мавжудлиги тўғрисида сўз юритишган.

Абдуллоҳиқ Гиждувоний таълимотида сайру сулуқ мақомлари, тасаввуфнинг тариқатларига бўлган давридагидан фарқли ўлароқ, марказий ўрин тутмаса-да, сўфийликнинг муҳим ва зарурий шартларидан ҳисобланган. Гиждувоний томонидан тақлиф этилган сайру сулуқ мақомлари тизимида ҳам, унгача бўлган аксарият сўфийлик таълимотларида бўлгани каби, тавба сайру сулуқнинг биринчи мақоми — сўфийлик йўлининг бошланиш нуқтаси ҳисобланади. Хожагон-нақшбандия тариқати асосчиси назидда киши тавба қилиб, сўфийлик йўлига қадам қўйгач бу йўлда ўзига йўлбошич — ҳақиқий устоз топиш ва унга шогирд тушиш учун иккинчи босқич — иродат мақомига етади. Шундан сўнг солиқ қатъий белгиланган кетма-кетликда келмайдиган ва сўнгги нуқтаси аниқ белгиланмаган мақомлар жуфтликлари — зуҳд ва тақво, сабр ва ризо, муҳаббат ва садоқат, тафвиз ва таслим ҳамда шуқр ва таввақул босқичларини босиб ўтади. Гиждувоний сайру сулуқ босқичларини босиб ўтиш жараёнида зикр, хаёлга келган йўларни фарқлаш ва қалб соғлигини муридлик шартлари сифатида эслатиб ўтади.

Зикри ҳафий (яширин зикр). Абдуллоҳиқ Гиждувоний зикри алоний ёки зикри жаҳрий (овоз чикари қилинадиган зикр, ошқора зикр)ни тутган устози Хожа Юсуф Ҳамадонийдан фарқли равишда ичда қилинадиган зикр, яширин зикр ва кўнгил зикри маъноларини аниқлаш учун ҳафийни ўзи асос солган тариқат аъзолари учун Худони эслашнинг асосий усули сифатида белгилаб қўйди. Кўнгил зикри Абу Бакр Сиддик (р.а.дан асрлар оша Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийга етиб келган.

Рашхалар. Хожагон-нақшбандия таълимотининг энг муҳим асосларидан бўлиши “Рашхалар” (“томчилар”) деб аталувчи ўн бир қоидадан илк тўрттаси — ҳуш дар дам,

назар бар қадам, сафар дар ватан ва хилват дар анжуман Хожа Юсуф Ҳамадоний томонидан ўртага ташланган бўлса-да, Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний ушбу тўрт рашхани тўлақонли концепцияларга айлантириб, ўзи ҳам қўшимча равишда яна тўрт рашха — ёдқард, бозгашт, нигоҳдошт ва ёддошт рашхаларини ишлаб чиқди ва уларнинг сонини саккизга етказди.

Ижтимоий фаол сўфийлик. Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувоний таркидунёчиликка қарши чиқиб, хилватга чекинмасдан туриб ҳам Худонинг ёди билан бўлиш, сайру сулуқ босқичларини босиб ўтиш мумкинлигини ўқитди. У хилватга суҳбатни қарам-қарши қўйиб: “Шайхлик эшигин ёнгина-у дустлик эшигин очгин, хилват эшигин ёнгина-у суҳбат эшигин очгин”, дейди. Шунингдек, у: “Одамларнинг бўйнига юк бўлмаслик керак. Бу эса ҳалол касб-корсиз амалга ошмағай”, дейиш орқали садақасуҳури билан одамларнинг бўйнига юк бўлмаслик кераклигини, бунинг учун ҳалол меҳнат билан шуғулланиш лозимлигини таъкидлайди. Гиждувоний ўзининг “Одоби тариқат” асарида ҳам тариқати аъзоларини ўз ҳалол меҳнатлари билан кун кўриш, бошқалардан садақа сўрамасликка қақиради.

Тариқат одоблари. Абдуллоҳиқ Гиждувоний хожагон-нақшбандия тариқатидаги сайру сулуқ мақомлари, зикр усули ва рашхалардан ташқари ўз тариқати аъзолари учун одоб-ахлоқ қоидаларини ҳам ишлаб чиқди. У ўзининг “Одоби тариқат” асарида халифаси Авлиёи Кабир мисолида ўзининг барча издошларини мансаб ва шухратпарастликка берилмаслик, бошқаларга нисбатан ҳушмуомала бўлиш, тариқатда эса машоихлар хизматида бўлиш, сафарларга чиқиш, риёзат чекиш ҳамда самоъ мажлисларида кўп ўтирмасликка чорлайди.

Хулоса қилиб айтганда, хожагон-нақшбандия тариқати нафақат ўзининг таркидунёчиликни қораловчи ва ижтимоий фаол сўфийликни тарғиб қилувчи таълимоти, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик гоёлари билан, балки ушбу таълимот ва гоёларнинг шаклланиши, такомиллаштириши ва кенг ёйилишида муҳим ўрин тутган буюк намояндалари билан ҳам машҳурдир.

Хожагон-нақшбандия тариқати вужудга келган даврлардан бошлаб ушбу тариқат бағридан кўплаб шайхлар етишиб чиқиб, уларнинг катта қисми ушбу тариқат ёки унинг турли маҳаллий тармоқларига раҳбарлик қилдилар. Бироқ тариқатнинг Хожа Абдуллоҳиқ Гиждувонийдан то Хожа Баҳоуддин Нақшбандгача бўлган шайхларидан иборат бўлган етти раҳбари “хожагон силсиласининг етти пири” номи билан алоҳида улугланадилар. Зеро, мазкур тариқатнинг асосий қоидалари, ҳозиргина айтиб ўтганимиздек, асосан мазкур етти шайх раҳбарлиги даврида шаклланиб, хожагон-нақшбандия тариқатининг кейинги даврлардаги ривож ва кенг ёйилиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

**Комилжон РАҲИМОВ,**  
**тарих фанлари доктори, ЎзР ФА**  
**Шарқшунослик институти етакчи**  
**илмий ходими.**

## “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ”: АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилишда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ фаолияти молиявий инфратузилманинг асосий элементи сифатида муҳим ўрин тутати. Унинг олдида барқарорликни таъминлаш ҳамда мамлакат инвестицион муҳитини ривожлантириш каби долзарб вазифалар қўйилади.**

Шу борада хизмат кўрсатиш соҳаси хорижий инвесторларга кенг йўл очиб имкониятини яратиб, валюта курси барқарорлиги бўйича ҳам муҳим жиҳатларни ўз ичига олади.

Бугунги иқтисодиётимизнинг асосий ва бош мақсади бўлиб эса, фаол инновацион-инвестицион сис- ёсатни амалга ошириш яъни, инновацион фаолият бугунги кунда ва яқин келажақда республика иқтисодиёти ривожланишининг муҳим

шартларидан бири деб қаралган мазкур йўналиш хизмат кўрсатиш тармоқларини модернизациялашнинг асосий механизмлари бўлиб ҳисобланади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ — Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти соҳасидаги ягона давлат ташкилоти бўлиб, мамлакатнинг ички ва халқаро темир йўл йўналишларини ташкил этиш, инфратузилмани ривожлантириш ва замонавий технологиялар асосида

йўналишларни сифатли ва шаффоф жорий этиш билан шуғулланади.

“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг даромад манбалари хилма-хил бўлиб, асосан, йўловчи ташиш, юк ташиш, логистика, вагон ижараси ва бошқа хизматлардан шаклланади. Ҳар бир хизмат тури бўйича даромад ва харажатларнинг алоҳида таҳлили талаб этилади.

Мазкур ташкилот давлатнинг темир йўл соҳасини ривожлантириш мақсадида ташкил этилган бўлиб ўз фаолияти давомида қуйидаги асосий вазифаларни бажаради.

#### “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг асосий вазифалари

Ташкилотнинг стратегик аҳамиятига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Хусусан, темир йўл транспорти давлат учун муҳим транспорт инфратузилмасидир. Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш, суб-

сидиялар ва давлат лойиҳалари бажарилиши устидан алоҳида ёттибор билан назорат олиб бориш стратегик аҳамиятини оширади. Бу эса, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг объектлари кўп шаҳар ва ҳудудларга тарқалган, бу эса жойлардаги филиаллар, вокзаллар, деполар ва бошқа объектларда ҳам текширув ўтказишни талаб қилиб, аудиторларга активлар, хусусан қўзғалмас мулк (станциялар, релслар, кўприклар) ва қўзғалувчи активлар (локомотивлар, вагонлар) ни аниқ баҳолаши кераклигини аниқлатади.

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида таъкидланганидек, акциядорлик жамиятлари бир йилда бир марта аудиторлик текширувларидан ўтишлари шарт.

Аудитни амалга оширишдан аввал, аудиторлик ташкилоти ва “Те-

мирйўл АЖ” ўртасида шартнома имзоланади. Аудиторлик ташкилотлари мазкур миқдор фаолиятини текширишда даставвал, режалаштириш фаолиятини амалга оширадирлар. Мазкур жараёнда “Молиявий ҳисобот аудитини режалаштириш” 300-сонли аудит халқаро стандартига кўра аудитнинг умумий стратегияси ишлаб чиқилади ва шу асосида аудит режаси тузилади. Аудиторлар томонидан тузилган мазкур ҳужжат текшириш кўламини, муддатини, текширувни ташкил қилувчи шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Яъни унда, аудитнинг мақсади, режалаштирилган текширув ҳажми, аудитнинг натижаларини қандай тақдим этиш, муаммолар пайдо бўлган тақдирда уларни қандай ҳал қилиш каби масалалар қамраб олинади.

Аудитор текширув бошладан

олдин албатта, аудиторлик rischi ва муҳимликни ҳисоблаб қўйиши лозим. Чунки, бу соҳада риск юқори бўлиб, юкларнинг йўқолиши, авариялар, техник носозликлар учраши табиий ҳолдир. Шу билан бир қаторда, аудиторлар ички назорат тизимининг самарадорлигини, рискларни бошқариш механизмларини ҳам баҳолашлари лозим.

Умуман олганда, аудитор текширув натижалари юзасидан ва аниқланган камчиликнинг муҳимлик даражасидан келиб хулосани шакллантиради.

Хулоса, аниқланган камчиликлар тўғрисида аниқ, рақамлар билан асосланган маълумотлар асосида берилиши лозим, тақлифлар қисмида ички назоратни яхшилаш, моддий активларни бошқаришни самаралилаштириш ва давлат маблағларидан фойдаланишда шаффофликни ошириш бўйича тавсиялар берилди.

**Мафтунахон АБДУРАИМОВА,**  
**Тошкент давлат иқтисодиёт**  
**университети,**  
**“Аудит” кафедраси**  
**профессори в.б., PhD**

Ишонч билан айтиш мумкинки, бизнинг халқларимизни минтақавий ўзига хосликни англаш туйғуси бирлаштирмакда ва бу туйғу тобора кучайиб бормокда. Бизнинг нафақат тарихимиз, балки келажакимиз, ҳаётий муҳим манфаатларимиз ҳам умумий ва муштаракдир. Минтақавий ҳамкорлигимизни кенгайтиришдан бошқа йўлимиз йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас!

# БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР, ЕТМАГАНЛАР БОР



**Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА,** 1947 йил 17 майда Сирдарё вилояти Боёвут туманида туғилган. Унинг дастлабки шеърлари Республика ОАВда кўплаб эълон қилинган. “Илк муҳаббат” номли биринчи китоби 1968 йилда чоп этилган. Сўнг “Оқ олмалар”, “Чаман”, “Бобо кўёш”, “Иссиқ қор” сингари кўплаб шеъррий тўплamlари дунё юзини кўрди. 2018 йил вафот этган.

## ДОРИЛАМОН КУНЛАР КЕЛДИ...

*Онагинам!*  
Дориламон кунлар келди, шафақлари ол,  
Қаён боқсанг, шайланишлар ва солашар тор.  
Олча гулин кўзларингга суртасан беҳол:  
“Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”.

Сўлгин-сўлгин лабларингдан учаркан шу сўз,  
Отагинам хаёлимда ростлай бошлар қад.  
Дориламон кунларга қайт, онам, юмиб кўз,  
Ўксик дилда бошланмасин десанг қиёмат.

Бу табиат суюмлидир ҳам кўзлари кўр,  
Гоҳ шаробдан, гоҳ оғудан қилар бизни маст.  
Белганинга тиргак бўлай, онажоним, тур,  
Дориламон кўёшга бок, унга қасдма-қасд.

Юзинг ардоқли кўёшдай иссиқ ва маҳваш.  
Кўзларингга умид ёнар тикланган они,  
Қорли кунлар билан кетсин дилингдаги ғаш,  
Қизғин, лола ранг қоплайдир бу кун дунёни.

Бу дунёнинг қир-дарасин хосияти мўл,  
Ерни яланг оёқ боссанг яйрайди танинг.  
Яшамок — бир тансиқ таом, унга урсанг қўл,  
Борган сари очилдир иштаханг санинг.

Боғлардаги этилгуси ҳар мевали шох,  
Ризқидир бизга, ризққа доим дил илинжликдир.  
Ўғлонларинг келар, ана, очишиб қучоқ,  
Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир.

*Онагинам!*  
Ўзинг тортма давралардан, эл чорлаганда,  
“Тирикликнинг байрами”, деб созланганда тор.  
Ўзинг сўлгин лаблар билан пичирлагандай:  
“Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор”.

## МУҚАДДАС АЁЛ

Ошиқларинг пойингга гул отиб ҳам бўлди,  
Хилватларда лабиндан бол тотиб ҳам бўлди,  
Ва бу ҳақда кимларгадир сотиб ҳам бўлди,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Аввал: “Кел-эй, қучоғимга тўл, балқ”, дедилар,  
Унамадинг, аёл ўзи терс “халқ”, дедилар,  
Ичолмаган юз ўгириб, шўр, талх, дедилар,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Сен дарёсан, ўпганини қирғоқ яширар,  
Жуфтими бўл, — деб чопганини ҳар тоқ яширар,  
Жаннатим, — деб қувонмасдан қумлоқ яширар,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Асли бу бор эрмакларнинг борар ери Сен,  
Росту ёлгон эртакларнинг борар ери Сен,  
Асов отдай эркакларнинг борар ери Сен,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Чорлашганда сен келсанг, гоҳ бекор келсанг-да,  
Маст даврага бир сарин ел, бир тор келсанг-да,  
Хор келсанг-да, номардларга гоҳ хор келсанг-да,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Қимтинасан, астагина кўтарасан бош,  
Минг йилликдир кўзингдаги жавдираган ёш,  
Гуноҳкорлар мингу битта Сенга тегар тош,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

Ҳарир, хушбўй баданингда тошлар изи бор,  
Кўкрагингда эгилган не бошлар изи бор,  
Кўёш изи, куйдирган қўёшлар изи бор,  
Сен бари бир муқаддасан,  
Муқаддас Аёл!

## БЕГИМ

Бегим сизни табиат расо қилиб яратган,  
Кимларнидир ўйчану сизни қулиб яратган.  
Ногаҳон бериб қўйиб бу ақли, камолни,  
Ўзи ҳам рашиқ, ҳасадда тўлиб-тўлиб яратган.  
Қиз тушган нигоҳни армонга йўймагайсиз,  
Қиз қалбига севмоқни осонга йўймагайсиз,  
Қайнамангиз, у ўзи ўртангувчи бир бағир,  
Бу бағирни кенгликда осмонга йўймагайсиз.  
Сиз худдики Фарҳодсиз, Ширин қайдадир, бегим,  
Орзуларим дилдаю нолам найдадир, бегим.  
Сиз десам бар тўтқазмай сочланган ўйларимдай,  
Бу тонг қаро сочларим майда-майдадир, бегим.  
Сизни мен ўзимга ҳам лойиқ кўрмам, рости гап,  
Ўзгага бермоқ эса, тушимга кирмас ухлаб.  
Ўзга билан кетсангиз, равон йўллар қолмасин,  
Бегим, иккиланмасдан ер юзин ташланг миҳлаб.  
Михнинг, тиннинг захрини сезмай ёниб бораман,  
Ишқ зардобли шаробдир, қониб-қониб бораман.  
Ҳеч ким билан сирлашмай, ҳеч кимсага тутмай май,  
Ўз қоним билан ўзим алвонланиб бораман.  
Ҳайратларда қотгайсиз мени кўрганда ул дам,  
Ёнингиздаги совуқ сулувдан соғурсиз ҳам,  
Сизни обдан музлатгач, ўзим қайтарман чунки  
Бунгача йўқ садоқат, бундан сўнг ҳам бўлар кам.  
Ўзга тортмам чексам ҳам шунча жабр-у жафони,  
Ўзгага ҳам бермасман Сиздек бир бевафони!  
Бегим, Сизни табиат расо қилиб яратган...

## ЮРАГИМДА БАРГЛАР ШИВИРИ

Ўз дунём ичида боғларни яратдим.  
Сўлиб битдилар.  
Тафаккур кучидан тоғларни яратдим.  
Нураб кетдилар.  
Боғларим ўрнида хазонлар, сунурдим,  
Барг, хазон.  
Тоғларим ўрнида тепалар, жим турдим.  
Дилда қон.  
Куйдим мен, аммо қул бўлмадим, қайталаб  
Тупроққа тўкдим мен, манглай тер, дил қоним.  
Майса, кўк майсалар унда зап,  
О, жоним!

Қийнадинг дейсанми, тўғри-ку,  
Уйласанг менда ҳам гуноҳ йўқ,  
Шу кичик юрагим бўлса қув,  
Яшасак беғалва, кўнгул тўқ.  
Бегона тавишу жабрга,  
Уйқуда ўтса ҳам умр, бир кун  
Кетмоқ шарт сўнги уй-қабрга.  
Шундай, ҳа, маҳкам бўл, сен жоним.  
Елкага  
Ҳали кўп юкларни юклармиз,  
Кўп хазон боғларни тиклармиз,  
Кўтара олмасмиз юкни гоҳ,  
Ва ёки тўғумда қулар тоғ.  
Шунда яна янгидан  
Тафаккурда тоғлар яратишимиз,  
Сўлган боғлар ўрнида яшил-яшил,  
Дарахтлари шовуллаб турган боғлар яратишимиз  
керак,  
О, менинг қаттиқ жоним!  
Ишонаманки,  
Сен чидаб берсан бу талабларга жим.  
Юрагимда барглар шивирлаётганга ўхшайди,  
Демак,  
Яратилажак безавол боғларимнинг  
Илк ниҳоллари куртак ёзаяпти,  
Боғлар гурқираб қад кўтараяпти юрагимда,  
Барглари яшил-яшил боғлар...

\*\*\*


Сиз топмишим, йўқотмишиммас,  
Сор лочиним, ожиз қушиммас.  
Сиз дунёда рост деб тутганим —  
Тутолмаган ёлгон тушиммас.  
Сизга фидо бўлмоқ истайман,  
Сиз деб адо бўлмоқ истайман.  
Аста-аста йўқотмай Сизни,  
Бирдан жудо бўлмоқ истайман.  
Таранг тортмоқда симлар, айтинг, —  
Хаёлларга толсинлар, айтинг.  
Сиз — жон, олса жоним қийнамай,  
Бирданига олсинлар, айтинг.  
Сиз топмишим, йўқотмишиммас...

## ВАТАН ЖИМ ТУРАДИ

Ватан жим туради, аммо у ҳақда  
Тоғдан тушиб келган тош сўз айтади.  
Бир садолар келар жим-жим куртакдан,  
Осмондан келган кўёш сўз айтади.  
Ватан жим туради, байроғи ёниб  
Бошидаги туғи айтади сўзни.  
Мозийлардан келиб — чир-чир айланиб,  
Момомнинг урчуғи айтади сўзни.  
Ватан жим туради. Саболарининг  
Найларга қўшилиб бўзлари кўндир.  
Саратон. Даштдаги боболаримнинг  
Пастак чайлаларини сўзлари кўндир.  
Ватан жим туради...

## ШУНЧАКИ...

Мен шунчаки ўйлагим келмас,  
Хаёл — шароб мисол қилсин сархуш, маст.  
Мен шунчаки куйлагим келмас,  
Овоз пардаларим чидаб берса бас.  
Кўлингга тушаркан жағжғи чақалоқ,  
Шунчаки севмоқда қандай лаззат бор.



Керак чинқиртириб ўпиб, тишламоқ,  
Биз ҳам гўдаликда топганмиз озор.  
Шунчаки севилмоқ — бахти қоралиқ,  
Тўла толе учун бу кемтик, бу кам.  
Менинг қалбим шундай севига молик,  
Бир чарсиллаб ёнай, сўнгра сўнсам ҳам.  
Оҳангга шунчаки солмасдан қулоқ,  
Таржима қилиб ёз сим садоларин.  
Ахир булоқмасмиш тоғдаги булоқ,  
Кўз ёшларимши у ишқ гадоларин.  
Шунчаки қулмоқ ҳам истеҳзодек гап,  
Бирдан қаҳ-қаҳ урай, чўчиб кетсинлар.  
Бошларига осмон тушгандай қулаб,  
Ғафлат бандалари ёқа тутсинлар.  
Шунчаки йиғлаш ҳам ярашмас бизга,  
Уни элар фақат юраги тошлар.  
Шундай йиғлай, ҳожат қолмасдан сўзга,  
Қурғоқ кўзлардан ҳам қуйилсин ёшлар.  
Шунчаки ёзмоқ-чи, кўнгул тўлмайди,  
Шунчаки ёзмоққа бормаиди қўлим.  
Шунчаки ёзганга чидаб бўлмайди,  
Шунчаки ёзмоқ, бу — ширга ўлим.



Китоб ўқиган, ўзини устида ишлаган одамда қанот бўлади. У бефарқ бўлмайди. Унинг кучи билимида бўлади. Шунинг учун ҳеч кимни писанд қилмайди. "Катталар"га хушомад қилмайди. Унинг билими бор, илми бор. Мана нима учун китоб ўқинглар деймиз. Китоб ўқисангиз савол беришни биласиз.

## КАФИЛ БЎЛМА, ХОТИН

Абдулла Аҳмад



(Ҳажвия)

Кўрғонбой Тўлғанбоев савобталаб одам. Кун-у тун бировнинг мушкуллари осон қилишни ўйлайди. Биров қарз оладими, ишга жойлашадими, Кўрғонбой кафил. Унга илтижо қилган мўминнинг юмуши битмай қолмайди.

— Биламан, хўжайин, биламан. Бир ҳаракат қилинг, сизга аталгани маноми дипломатда... Кўрғонбой Тўлғанбоев бир лаҳза ўйлаб қолди. Сўнг дипломатни очди. Очди-ю, юзига қизиллик югурди. Сўнг... кафтларини бир-бирига "қарс" этиб урди-да, телефонга ёпишди. Гўшакни кўтариб, кимгадир ялинди, ёлборди, ўлғудай ялтқланди. Охири муддаога етди. Димоғи чоғ бўлиб, диванга ястанди. "Эҳ, хайрият, кўнди-я, бу калтис иш ҳам хамирдан қил суғургандай осон битди".

— Ха, ха, эшитувдим. — Мени паттачиликдан ҳайдади. Ўғри, муттаҳам эмишман... — Ух-хў! Жуда чатоқ-ку! — Шу ваҳдан сиздай валломатимизга юкуниб келдим-да! Жон ака, орага тушинг. Кафил бўлинг! — О, бу ниҳоятда мушкул! Эплаб бўлармикин? — Эй, сиз эплайсиз, эплайсиз... Ха, айтганча, уйингизга икки бўрдоқини... Хамир учидан патир. Бир ҳаракат қилинг. Кўрғонбой уйига тўлиб-тошиб қайтди. Кувончининг зўридан болаларига совға олди. Нега олмасин, қармоғига бир йўла иккита "лаққа" илинди-да. Пичоғи мойга ботган Тўлғанбоев овқат маҳал оқидан отиб, "тўлишволди". Сўнг ўғилчаси билан холдан тойгунча "от минди" ўйнади. Кейин диванга суянганча кўзи илинди. Бир пайт уйни бузгудек хуррак отаётган одам "додди!" деб қичқирса бўладими! Ҳамма югуриб келди. Туш ўлсин-а, туш ўлсин! Тўлғанбоевнинг айтишича, юзига ниқоб кийган икки киши бостириб кирибди. Бирида ялтираган шамшир, бирида кўш оғизли милтиқ. Шамшир тутгани дебди: "Учига чиққан фирибгар, порохур Тўлғанбоев сенмисан! Ҳали сенми, ўғри, муттаҳамлар учун нурамас тоғ, ўқ ўтмас қалқон! Сени тилка-пора қиламан! Каллангни сапчадай узаман!" Иккинчи ниқобли ваҳоҳат билан дермиш: "Бу пасткашни тепкилаб ўлдирамиз! Тепкилаб!!!"

## ИЧКИЛИК БАЛОСИ

Оилада тинчлик ва тотувлик бўлса, рўзгорга барака қиради. Буни кўпчилик билмаслиги ёмон оқибатларга олиб келади.

Д.Б. 2025 йил 13 февраль куни соат 20.00ларда Олтинсой тумани "Наврўз" маҳалласида жойлашган яшаш уйида турмуш ўртоғи (исм-фамилиялар ўзгартирилган) К.Ж.ни дўппослаб, соғлигининг қисқа муддатга ёмонлашувига ёки меҳнат қобилиятининг унча узок бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан баданига енгил шикаст етказиб Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59<sup>2</sup>-моддаси 2-қисмида қайд этилган ҳуқуқбузарлиқни содир этади. Суда сўралган ҳуқуқбузар Д.Б. кўрсатувида, айбига иқдорлик билдирмасдан, ҳақиқатдан ҳам фуқаро К.Ж. турмуш ўртоғи эканлигини, уни 2025 йил 13 февраль куни соат 20.00ларда Олтинсой тумани "Наврўз" маҳалласида яшаш уйида уни ҳақорат қилганлигини, лекин уни уриб тан шикасти етказмаганлигини, турмуш ўртоғи билан олилави келишмовчиликлар сабабли мунтазам жанжаллашиб келишини, лекин турмуш ўртоғини урмаганини билдирди. Суда сўралган жабрланувчи кўрсатувида, турмуш ўртоғи эканлигини, 2025 йил 13 февраль куни соат 20.00ларда турмуш ўртоғи маст ҳолатда ишдан қайтганлигини, Олтинсой тумани "Наврўз" маҳалласида яшаш оилавий келишмовчиликлар сабабли жанжаллашиб қолганлигини, турмуш ўртоғи уни уриб тан шикасти етказмаганлигини, турмуш ўртоғини кеңирмаслигини, турмуш ўртоғига нисбатан даъвоси борлигини, у билан ярашмаслигини, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўрайди. Суда қонуний вакили яъни, онаси иштирокида гувоҳ тариқасида сўралган вояга етмаган қизи В.Н. кўрсатмасида, отаси ва онаси ўртасида анча вақтдан бери келишмовчиликлар борлигини, 2025 йил 13 февраль куни соат 20.00ларда отаси маст ҳолат-

да, уйга кириб келганлигини, онасини ҳақоратлаб урганни билдириб баёнот берди. Суд, ҳуқуқбузарга нисбатан жазо қўллаш чоғида содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти, ҳуқуқбузарнинг шахси, унинг айбдорлик даражаси, содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб, унга нисбатан белгиланган модда санкциясида назарда тутилган маъмурий қамқоқ жазосини тайинлашдан туриб, уни ахлоқан тарбиялаш ва бошқа фуқаролар томонидан бу каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш имкони йўқ деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми билан мазкур модда санкцияси доирасида маъмурий қамқоқ жазоси тайинлашни, жазони қамқоққа олинган кундан бошлаб ҳисоблашни, ҳуқуқбузарнинг маъмурий қамқоқда сақланган ҳар бир куни учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи миқдоридан давлат фойдасига пул ундиришни, қарорни ижро қилишни Олтинсой тумани ички ишлар бўлими бошлиғи зиммасига юқлашни лозим топди. Юқоридагиларга қўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 309, 324<sup>1</sup>, 324<sup>2</sup>-моддаларига асосланиб, суд Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59<sup>2</sup>-моддаси 2-қисмидаги ҳуқуқбузарлиқни содир қилганликда айбдор деб топиб ва унга: Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 59<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми билан 7 (етти) сутка маъмурий қамқоқ жазоси тайинлади.

Илхом ЭРҒАШЕВ,  
Жиноят ишлари бўйича Олтинсой тумани судининг тергов судьяси

## ҲАММАСИ ИДЕАЛ БЎЛСА...

Эшик оҳиста тақиллаганида уйимда улфатларим бор эди. Дастурхонда барча егуликлар муҳайё: бўрсилдоқ нон, қазил-қарта, тандир гўшт, манти, буғи чиқиб турган сомоса, тогли қаймоқ, чақ-чуқ, айниқса ичимликларнинг оқи ва қизили... Лекин биз, ошоналар дастурхонга қарамас, ҳар биримиз китоб мутолааси билан машғул эдик.

Сайёраликларнинг либосига ўхшар экан. Коммунал-скафандр, гап йўқ! — Узимизга ҳам ёқади, ака. Кечаси ечмай ухляпман... Хуллас, акахон, сиз билан боғлиқ уч миллион еттиз юз минг сўм қарз...

либ, мактабга элтиб қўйган эдик. Кўча бўйлаб сайр қилар эканман, озода-покизалиқдан кўнглим яйради. Одамларнинг бир-бирига ширин муомаласи, мулоим гап-ишлари, табассум ила қарашларидан эриб кетай дедим! Эҳ, бундай одамлар яна қайда бор?.. Қўл телефоним жиринглаб қолди.

Мен ўрнимдан турдим. Даҳлизга ўтиб, эшикни очдим. Ташқарида бежирим қоржомда йиғичта турарди. Юзидан нақ нур ёғиларди унинг! Эғнидаги либоси шу қадар жило берардики, кўзларим қамашиб кетди.

Мен ичкарига ошиқдим: — Мана, ҳозирда! — Шошманг, акахон, сиз эмас, биз тўлашимиз керак. Нотўғри ҳисоб-китоб бўлган экан. Ортиқча қабул қилганмиз! Марҳамат, пулни олиб қўйсангиз!

— Алло, ассалому алайкум, ака! Вазирликдан кўнғироқ қиялман! — Э-ҳа, танидим, укажон! Яхшимисиз? — Алхамдулиллаҳ, шукр. Ўзингиз соғ-саломатмисиз? Бугун иккинчи асарингизнинг премьерасини ўтказдик. Роса аншлаг-баум бўлди ўзайди!

— Ассалому алайкум! — деди йиғичта қўлини кўксига қўйиб. — Акахон, минг бор узр, сизни безовта қилиб қўйдим. Бундан жудаям хижолатдаман.

— Йўғ-ей, бемалол, — дедим мен астойдил. — Келинг, укам, ичкарига кириг.

— Аммозимиз керак. Нотўғри ҳисоб-китоб бўлган экан. Ортиқча қабул қилганмиз! Марҳамат, пулни олиб қўйсангиз! — Кўйсангизчи! Тураверсин. Кейинги ойлар учун қайд этиб қўйинг!

— Уэр, коммунал тўлови масаласида келгандим, — йиғичта шундай деб гувоҳномасини менга узатди. — Мана, марҳамат, "А"дан "Я"гача қўриб чиқинг!

— Уларни кечиринг, жон ака! — деди йиғичта қўлини яна кўксига қўйиб. — Агар хоҳласангиз, ҳаммасини хузуригизга олиб келаман, жўр бўлиб кечирим сўрашади.

— Аммозимиз керак. Нотўғри ҳисоб-китоб бўлган экан. Ортиқча қабул қилганмиз! Марҳамат, пулни олиб қўйсангиз! — Кўйсангизчи! Тураверсин. Кейинги ойлар учун қайд этиб қўйинг!

— Шунча йил яшаб, ҳали бундай мўъжизани кўрмаган эдим! Роса чиroyли экан. Ҳамкасбларингиз ҳеч қачон гувоҳнома кўрсатмаган.

— Шунча йил яшаб, ҳали бундай мўъжизани кўрмаган эдим! Роса чиroyли экан. Ҳамкасбларингиз ҳеч қачон гувоҳнома кўрсатмаган.

— Аммозимиз керак. Нотўғри ҳисоб-китоб бўлган экан. Ортиқча қабул қилганмиз! Марҳамат, пулни олиб қўйсангиз! — Кўйсангизчи! Тураверсин. Кейинги ойлар учун қайд этиб қўйинг!

— Уларни кечиринг, жон ака! — деди йиғичта қўлини яна кўксига қўйиб. — Агар хоҳласангиз, ҳаммасини хузуригизга олиб келаман, жўр бўлиб кечирим сўрашади.

— Шунча йил яшаб, ҳали бундай мўъжизани кўрмаган эдим! Роса чиroyли экан. Ҳамкасбларингиз ҳеч қачон гувоҳнома кўрсатмаган.

— Аммозимиз керак. Нотўғри ҳисоб-китоб бўлган экан. Ортиқча қабул қилганмиз! Марҳамат, пулни олиб қўйсангиз! — Кўйсангизчи! Тураверсин. Кейинги ойлар учун қайд этиб қўйинг!

— Шарт эмас... Идорангизда чуқур ислохотлар бўляптими, дейман? Мана, махсус форма кийиб олибсиз! Бундан тўрт-беш йил олдин фақат телевизорда кўрардим. Такомиллашибди. Ўзга

— Шунча йил яшаб, ҳали бундай мўъжизани кўрмаган эдим! Роса чиroyли экан. Ҳамкасбларингиз ҳеч қачон гувоҳнома кўрсатмаган.

— Аммозимиз керак. Нотўғри ҳисоб-китоб бўлган экан. Ортиқча қабул қилганмиз! Марҳамат, пулни олиб қўйсангиз! — Кўйсангизчи! Тураверсин. Кейинги ойлар учун қайд этиб қўйинг!

## Qaysar Malika va oqko'ngil quyon

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, qadim zamonlarda Malika ismli bir qizaloq yashar ekan. Uning yuragi o'rmonga oshiq edi. Onasi bu o'rmonning xavfli ekanligini, u yerda yovvoyi hayvonlar va sirli mavjudotlar maskan qurganini aytib, qizini qayta-qayta ogohlantirdi. Ammo, Malikaning qaysh tabiati unga tinchlik bermasdi. Kun sayin uning o'rmonga bo'lgan qiziqishi kuchayib borardi.

nurlari zarang barglaridan o'tib, yerga zo'rg'a yetib kelardi. Qadimiy qarag'aylar osmonga intilib, shoxlari bir-biriga chirmashib ketgan, butalar esa qorong'u soyalar bilan to'lgan edi. Hamma joyda nam va chirigan barglarning hidi anqib turardi, ammo ba'zan shirin gul hidlari ham dimog'ni qitqildirdi. Qo'rqinchli va begona muhit Malikani biroz cho'chitdi. U adashganini angladi, lekin ortga qaytishga yuragi betlamadi. Birdan, uning yo'lini to'sib chiqqan ochko'z va vahshiy bir ayiq unga tashlandi. Malika qo'rquvdan qichqirib yubordi. Shu payt paydo bo'lgan bir quyuncha chaqqonlik bilan ayiqning burniga sakrab, uni chalg'itdi. Ayiq g'azabdan o'kirib yubordi va Malikaga hujum qilishni unutdi.

"Qizaloq, nega bu yerga kelding? Bu o'rmon juda xavfli, bu yerda yovvoyi hayvonlar ko'p. Onang seni ogohlantirmadimi?" — dedi Quyon, uning ko'zlarini dono va mehribon edi. Malika yig'lab yubordi. "Ogohlantirdilar, lekin men qaysarlik qilib, onamning gaplariga kirmadim. Meni kechir, Quyon", — dedi Malika yig'lagancha. Quyon Malikaga achinib qaradi. "Sen o'z xatoyingni anglaganing yaxshi. Qaysarlik hech qachon yaxshilikka olib kelmaydi. Onang seni yaxshi ko'rgani uchun ogohlantirgan edi. Endi esa, men seni uyga qaytarishga yordam beraman, lekin sen onangga so'zsiz itoat qilishga va'da berishing kerak", — dedi Quyon. Malika Quyoning so'zlaridan so'ng o'z xatosini angladi. U qaysarligi

tufayli o'zini xavf ostiga qo'yganini, onasining nasihatlariga qo'lg'ay solish qanchalik muhimligini tushundi. U Quyonga minnatdorchiлик bildirib, onasiga so'zsiz itoat qilishga va'da berdi. So'ng Quyon Malikani o'z uyiga olib bordi. Malika uyining yonida yig'lab o'tirgan onasining oldiga yugurdi. Onasini qattiq quchoqlaganicha kechirim so'radi. Shundan so'ng, Malika onasining gapiga doim qo'lg'ay solishni va aql bilan ish tutishni o'rgandi. O'rmonida bo'lgan voqealar esa unga saboq bo'ldi, Quyoning nasihatini esa uning yodida qoldi.

Shodiyonabonu Temiraliyeva,  
Yuqori Chirchik tumani 6-sonli o'rta maktabinig 6 sinf o'quvchisi

### Bugungi O'ZBEKISTON

Ijtimoiy-iqtisodiy, axborot, huquqiy, madaniy-ma'rifiy gazeta  
МУАССИС ВА ХАМКОРЛАРИМИЗ: Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ўзбекистон судьялари Ассоциацияси, "BUGUNGI DAVR" МЧЖ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Абдулла МИНГБОВ (таҳрир хайъати раиси), Кўнғиротбой ШАРИПОВ, Абдукаюм КҮЧИМОВ, Улуғбек ҚОСИМОВ, Соатмўмин ЖУМАЕВ, Ҳикматулло ҚОДИРОВ, Ҳамза МАХМУДОВ, Фулом МИРЗО, Тоштемир ТУРДИЕВ

### Бош муҳаррир: Соатмурод ЖУМАЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2021 йил 20 декабрда №1491 рақами билан рўйхатга олинган.

E-mail: bugungiuzbekistan@gmail.com

НАШР ИНДЕКСИ — 298

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Газетадан кўчириб босилганда "Bugungi O'ZBEKISTON"дан олингани кўрсатилиши шарт.

Газетада зълон қилинган материаллардаги фактлар учун муаллиф жавоб беради.

Қоғоз бичими А-2, Ҳажми 4 босма табоқ, Баҳоши келишилган нарҳда.

### Нашр учун масъул: Ҳикматулло ҚОДИРОВ

Таҳририят манзили: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,  
Телефонлар: (71)-244-33-82, +99890-927-99-91, +99897-450-15-71

Газета "ШАРҚ" НМАК Босмаҳонасида chop этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Босмаҳонага топшириш вақти — 20.00  
Топширилди — 18.30.  
Адади — 2100.  
Буюртма - G-506  
1 2 3 4 5 6